

Раъноҳон МАМИТОВА

ЁЛҒОНЧИ

ДУНЁ

- Шеърлар
- Рубоийлар
- Қатралар



Раънохон МАМИТОВА

ЁЛҒОНЧИ
ДУНЁ



- Шеърлар
- Рубойлар
- Қатралар

Жалолобод
2004

СУЗАК РАЙОНДУ
КИТЕПКАНАСЫ
АБОНЕМЕНТ

Адабий-бадиий нашр

Раънохон МАМИТОВА

ЁЛҒОНЧИ ДУНЁ

(Шеърлар, рубоийлар, қатралар)

Мухаррир Тохиржон ХАЙРУЛЛАЕВ
Техник муҳаррир Маликахон ИСОҚОВА
Компьютер дизайнери Хуррам БОТИРОВ
Мусахҳиҳ Гаваҳарой ХАЙРУЛЛАЕВА
Харф терувчи Дониёр ТУРҒУНОВ

© Р.МАМИТОВА, 2004.



Раънохон Турғунбой кизи Мамитова 1966 йил 13 августда Сузоқ туманига қарашли Ёркишлоқда туғилди. 1983 йили Киров номли мактаб (ҳозирги Бобур номли гимназия-мактаб) ни тамомлади.

Унинг адабиётга меҳр қўйишида онаси Ойтожихон аянинг хизмати катта. Раънохон унинг айтган эртаклари, дostonлари таъсирида вояга етди. Ўрта мактабда бир неча китоблар муал-

лифи Қурбон Жўра (Жўрабой Қурашев)дан ижод сирларини ўрганди. Шунингдек, ўқувчилик чоғидаёқ кичик-кичик хабарлар ёзиб, "Ленин йўли" (ҳозирги "Ўш садоси") газетасига юбориб турди.

Раънохон орзуларини рўёбга чиқариш учун Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига ўқишга кирди. Ўқишининг охири – 1990 йили Жалолободда "Мезгил уну" ("Давр садоси") газетасининг ўзбекча бўлими очилгач, сирдан ўқиб шу ерда иш бошлади.

1991 йил сентябрь ойидан вилоят "Жалолобод тонги" газетаси чиқа бошлади. Шундан бери у газетада мухбир сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У етук, эл ардоқлаган журналист даражасига етишишни орзу қилади.

Проза ва поэзия – унинг ҳаёти. У – "Мен ёзувчи, шоирликни даъво қилмайман. Мен шунчаки ҳаваскорман, холос" - дейди.

Раънохон – оиланинг бахтиёр бекаси. У уч фарзанднинг меҳрибон онаси. Шоиранинг ижод маҳсули замирида аёл руҳиятига катта аҳамият берилади. Севги, садоқат, дард ва армон ишқ деган тушунча билан мужассамлашган. Ҳаётда учрайдиган ноҳақликлардан унинг дили оғрийди. У барчани бахтиёр, осуда ҳаёт кечиршини хоҳлайди.

Қирғизистон журналистлар уюшмаси аъзоси Р.Мамитованинг илк тўплами ўз ўқувчиларини топади, деган умиддамиз.

"Чашма" ижодий уюшмаси.

МЕҲР ВА ВАФО КУЙЧИСИ

"Олдингдан оккан сувнинг қадри йўқ", дейишади. Бу бир мажозий фикр, холос. Лекин бунинг замирида катта маъно бор. Ота-онасининг бағрида камол топган фарзанд уларнинг қадрига ё етади, ёки етмайди, эрка ўсади. Улардан, ёки биридан жудо бўлганда эса...

Раънохон отасидан эрта, эсини таниб, танимайдиган пайтида айрилган. Бунинг Аллоҳнинг иродаси деб ўзимизни юпатамиз. Аммо ота меҳрига қонмаган фарзанд ўқисини ҳис қилиш фақат отасини йўқотганларгагина маълум. У қайтариб бўлмайдиган, ўрнини ҳеч қандай дунё билан тўлдириб бўлмайдиган йўқотишни фақат фарзанди аржумандгина ҳис эта олади. Бу ҳисни, юрак тубидаги ота меҳрича соғинчли бошқаларга манзур бўладиган д.-ражада тил билан ифодалаб беришни эса Аллоҳ ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Раънохон Аллоҳ берган ҳис-туйғуни қалам билан ифодалаб бера оладиган бетакрор ижодкордир.

Қўлингиздаги илк шеърий тўпلامда қалам соҳибаси ота меҳрини кўмсаб яшаётган минглаган ватандошларимизнинг дардларига малҳам кўя оладиган сатрларни бунёд этган. Шу билан бирга шоира балоғатга етган ёшлардаги соф муҳаббат, садоқат ва вафо тушунчаларини ўзгача руҳда тараннум этади.

Раънохонни ўз овозига эга шоира дегим келади. У журналист бўлгани учунми, воқеа-ҳодисаларни, инсон характеридаги кўпчилик илғамайдиган қирраларни кашф этади. Унинг аксар кўпчилик шеърларида поклик мисоли гулга қўнган шабнамдек жилованиб туради:

Истагим: севганлар муродга етиб,
Мангу бахт қасрини бунёд этсинлар.
Ҳар йигит Отабек мисоли бўлиб,
Қизлари бокира Кумуш бўлсинлар.
Висол чоғи айтсинлар такрор:
" - Сиз ўшамми?...
- Ҳа, мен ўша...
Кутилмаган бахт..."

Шоиранинг боя айтганимиздай, журналист сифатида ҳам тўпламга публицистикасидан намуналар киритгани нур устига аъло нур бўлган. У бу билан юртдошларимизни фақат яхшиликка, эркин меҳнат ва ижод қилишга даъват этади.

Раънохон Турғунбой қизи умидли қаламкашлардан. Ижод қилишни игна билан кудук қазिशга ўхшатадилар. Раънохон меҳнатдан қочмайдиганлар сирасига киради. Келгусида ундан ҳали кўплаган шеърлар, публицистик мақолалар кутишга ҳақлимиз. Ижодингизга ривож, тани-жонингиз омон бўлсин, синглимиз Раънохон!

Имомхон БАҲРИДДИНОВ
журналист.

КАМТАРГА КАМОЛ

Ёки А. Тагаевнинг бошқариш усулидаги ўзига хосликлар

2004 йил Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий сафарбарлик ва виждонан бошқарув йили деб эълон қилинди. Бу демак, юртимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодий кўрсаткичларимизни мустаҳкамлашда элим, юртим деб хизматга бел боғлаган юртимиз фуқаролари олдига улкан вазифалар қўяди. Ижтимоий сафарбарлик ва виждонан бошқарув замирида эса кучли билим, бой тажриба, кучли эътиқод, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, камтарлик каби фазилатлар ётади. Уларни ўзида мужассам этган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улардан бири Жалолобод Давлат дорилфунуни фахрий профессори, Жалолобод шахрининг фахрий фуқароси Абдижапар Абдиқаарович Тагаевдир.



Унинг умр йўли кўпларникидан фарқ қилмайди. Сузоқ туманига қарашли Барпи қишлоғида истиқомат қилувчи Абдиқаар ака ва Зеби эже 7 ўғил ва 2 қизни вояга етказдилар. Фарзандлар орасида Абдижапар зехни ўткир, тиришқоқ, меҳнатсевар, илм кўтидан қувиши билан бошқа ака-укаларидан фарқ қилар эди. У аъло баҳолар билан ўрта мактабни тугатгач, Тошкент политехника институтига ҳужжатларини топшириб, олийгоҳнинг дегризлиқ факультетида тахсил ола бошлади. Бироқ, радиотехникага бўлган эўр иштиёқи туфайли у ўқишни ташлашга мажбур бўлади ва "Фан ва турмуш" журналига ишга киради. Келгуси йили у Харьков шаҳридаги радиозлектроника институтига ўқишга кириб, орзу қилган ихтисослигини эгаллаш учун кўнт билан ўқий бошлайди.

Беш йиллик талабалик олтин дамлар ортда қолиб, инженер-электроник мутахассислиги бўйича дипломли бўлгач, Қирғизистонга қайтиб келди. Дастлабки меҳнат фаолиятини Бишкекдаги "Сотунь" корхонасида инженер, катта инженер, бюро бошлиғи, корхонанинг бош инженер ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. Кейинчалик ҳукумат топшириғи билан комсомол, партия ташкилотларида меҳнат қилди.

80-йилларнинг охирларига келиб Иттифоқдаги энг нуфузли ва стратегик аҳамиятга молик Жалолободдаги штепсель ажрат-

кичлар (ШР) заводи (ҳозирги "Нур" хиссадорлик жамияти)га директор этиб тайинланади.

Ўша вақтларда корхона 3 сменада ишлаб 5 минг ишчи-хизматчини иш билан таъминлаган эди. У ерда стратегик аҳамиятга эга деталлар, шунингдек, кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилар эди. Корхонада мавжуд станоклардан унумли фойдаланиб, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариб аҳоли талабини қондиришга ҳаракат қилинди. А.Тагаевдаги изланувчанлик, ўз ишига ижодий ёндошиш қобилияти Ҳукумат раҳбарлари диққат-эътиборини тортди.

Шундай қилиб у Давлат мулк фонди раиси этиб тайинланди. Кейин эса Жалолобод вилоят давлат маъмуриятининг бошлиғи-губернатор, Қирғиз Республикасининг биринчи вице-премьер министри, Президент қошидаги (ҳозирги Қирғиз Республикаси Ҳукумати қошидаги) қимматбаҳо қоғозлар бўйича давлат қўмитаси раиси, Қирғиз фонд биржаси президенти лавозимларида хизмат қилди. Хусусан, Қирғиз фонд биржаси президентлиги даврида унинг "Бой бўлишни хоҳлайсизми?" китобчаси чоп этилган.

Раҳбар шахсларни эл ҳам, тарих ҳам эгаллаган лавозимларида қанча муддат ишлагани билан эмас, балки ўша даврда эл учун қандай фойдали ишларни бажарганлиги билан ўлчайди. А. Тагаев ўзига ишониб топширилган вазифаларни сидқидилдан ҳалол адо этди ва этиб келмоқда. Биргина губернаторлик даврида вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий соҳаларида туб бурилишлар юз берди. Вилоятнинг иқтисодий салоҳияти республикада олдинги ўринга чиқди. Маданиятимиз равнақи учун ҳам салмоқли улуш қўшди. Жалолобод шаҳрида 15 минг талаба таҳсил оладиган Жалолобод Давлат университетининг очилиши, тижорат институти, шунингдек, Жанубий Қирғизистон тегарасида биринчи марта нефтни қайта ишлаб чиқарадиган завод, италияликлар билан ҳамкорликда "Гималай" ичимлиги ишлаб чиқарувчи комбинат ишга туширилди. Энг қисқа вақт, яъни 42 кунда "Қирғиз-Турк" лицейи қуриб фойдаланишга топширилди.

Губернатор А.Тагаев миллий масалаларга ниҳоятда хушёрлик билан муомалада бўлди. Сухбатдошимиз ўша даврларни эсларкан, жумладан, шундай деди:

– Ўш–Бишкек йўли қўшни Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтарди. Давлатлар ҳам худди сиз билан биз сингаридир. Агар қўшнимиз экин майдонимиздан бир ўтса индамаймиз, иккинчи марта ўтса индамаймиз. Ойлаб, йиллаб майдонимизни тепкилаб ўтаверса газабланишимиз турган гап. Шунинг учун Ўзган айланма йўлини

созлаб Ўшдан келаётган транспортлар учун йўлни таъмирлаш ташаббусини 1992 йили губернатор бўлиб келганимдаёқ ўртага ташлагандим ҳамда ишларни бошлаб юборгандик. Худди шундай Новкент–Маданият йўлида ҳам миллий низо чикмаслиги учун айланма йўлни ўнглаб шағал тўктирган эдим. Мен бошқа ишга кетгач, анча вақт йўл шу ҳолда ётди. Бироқ, оз бўлса-да элга фойдам тегди, деб ўйлайман.

А.Тагаев давлат тузилмасидаги қайси хизматда меҳнат қилмасин, камтарлик ва поклик тамойилига амал қилди. Фикримизнинг далили сифатида губернаторлик давридаги бир воқеани эслаб ўтиш ўринли. Ўшанда А.Тагаев маданий меросимизни ўрганиш мақсадида Қурманбек ботирнинг 500 йиллигини кенг нишонлаш ташаббуси билан чиққан эди. Халқимиз уни қўллаб-қувватлади. Кейинчалик Президентимиз А.Акаев иштирокида Қурманбек ботирнинг 500 йиллик маъракаси ўтказилди. Бироқ, ўша тадбирни ўтказиш ташаббускорини тантанада бирорта амалдор эсга олмади. А.Тагаевга камтарлик мерос экан, бундан хафа бўлмади. Унинг камтарлигига шахсан ўзим ҳам кўп марта гувоҳ бўлиб, унга янада ҳурматим ортган.

90-йилларнинг бошлари эди. Штепсель-ажраткичлар заводи фаолиятини газетада ёритиш учун редакция топшириғи билан директор қабулига кирдим. Абдижапар акада айрим мансабдор шахслардагидек димоғдорликни сезмадим. Унинг бу фазилати хонасига кирган киши билан ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб саломлашиши, суҳбатдошига барча диққат-эътиборини қаратиши, хайрлашаётганда то эшиккача кузатиб қўйиши кабиларда намён бўлган.

Кўп пайтларда камтарин инсонларнинг меҳнати сояда қолиб кетади. Бироқ, эл, тарих борки, уларнинг меҳнати юқори баҳоланади. Шу боис бўлса керак камтарин кишилар эришган камолот пиллапоялари мустаҳкам бўлади. “Камтарга камол” деб шунга айтсалар керак-да.

Мақоламиз қаҳрамони, камтарин инсон Абдижапар Абдикарович ҳалол бошқарувчи сифатида обрў орттирди. Ҳозирда у “Нур” хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда тинмай изланмоқда. У қайтиб ўз иш ўрнига келганда ишчи-хизматчилар сони 200 нафардан ортиқ бўлса, айни дамда 500 нафарга етиб қолди. У ишсизларни иш билан таъминлаш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, ишчи-хизматчиларга ойлик маошларини вақтида бериш ҳақида қайғуради. Ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 1800—2000 сўмни ташкил этади. Корхони асакалик автомобилсозлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. “TICO”, “DAMAS”, “NEXCIA”, “MATIS” сингари автомобилларга бут-

ловчи деталлар ишлаб чиқарилади. Саудия Арабистони, Россия, Ўзбекистон ҳамда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатилмоқда. "Нур" ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган электр асбоблар, турли қандиллар, тунги ёритгичлар ва бошқа маҳсулотлар ўзининг сифати ва таннархи арзонлиги билан чет элдан келтирилган маҳсулотлардан ажралиб туради. Бозори эса чаққондир.

А. Тагаев нафақат раҳбар, балки оддий бир инсон сифатида барча миллат вакиллари тенг кўради. Бу миллатдошим, бу бошқа миллат вакили деб ўтирмай, ёрдамга муҳтожларга имкони борича маънавий ва моддий ёрдамини аямайди. Ҳатто ўзбек ижодкорларига ҳомийлик қилаётганини кўриб унинг ҳимматига таҳсинлар айтгинг келади.

А. Тагаевнинг бошқарув тизимларидаги ҳалол меҳнатлари ҳолис баҳосини олди. Жалолобод Давлат университетининг фахрий профессори, Жалолобод шаҳар фахрий фуқароси деган юксак унвонлар берилди.

Абдижапар акани юксак унвонлар билан табриклаш учун «Нур» ҳиссадорлик жамиятига бордик. У бизни исмиимизни атаб илиқ кутиб олди.

Сўнги сўз ўрнида. Узоқ йиллардан буён кўлөзмаларимнинг кўплари йўқолиб, қолганлари эса нашриёт остонасида сарғайиб турарди. Яратганга шукрлар бўлсинки, Абдижапар Абдикаарович сабаб бўлиб илк тўпламим нашр этилаётганидан беҳад хурсандман. Саховатли инсон А. Тагаевнинг ҳимматига таҳсинлар айтиб, биз, ижодкорларнинг бахтига шундай инсонлар кўпайишини тилаймиз.

Муаллиф.

ловчи деталлар ишлаб чиқарилади. Саудия Арабистони, Россия, Ўзбекистон ҳамда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатилмоқда. "Нур" ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган электр асбоблар, турли қандиллар, тунги ёритгичлар ва бошқа маҳсулотлар ўзининг сифати ва таннархи арзонлиги билан чет элдан келтирилган маҳсулотлардан ажралиб туради. Бозори эса чакқондир.

А. Тагаев нафақат раҳбар, балки оддий бир инсон сифатида барча миллат вакилларини тенг кўради. Бу миллатдошим, бу бошқа миллат вакили деб ўтирмай, ёрдамга муҳтожларга имкони борича маънавий ва моддий ёрдамни аямайди. Ҳатто ўзбек ижодкорларига ҳомийлик қилаётганини кўриб унинг ҳимматига таҳсинлар айтгинг келади.

А. Тагаевнинг бошқарув тизимларидаги ҳалол меҳнатлари холис баҳосини олди. Жалолобод Давлат университетининг фахрий профессори, Жалолобод шаҳар фахрий фуқароси деган юксак унвонлар берилди.

Абдижапар акани юксак унвонлар билан табриклаш учун «Нур» ҳиссадорлик жамиятига бордик. У бизни исмиимизни атаб илик кутиб олди.

Сўнги сўз ўрнида. Узоқ йиллардан буён кўлёмаларимнинг кўплари йўқолиб, қолганлари эса нашриёт остонасида сарғайиб турарди. Яратганга шукрлар бўлсинки, Абдижапар Абдикаарович сабаб бўлиб илк тўпламим нашр этилаётганидан беҳад хурсандман. Саховатли инсон А. Тагаевнинг ҳимматига таҳсинлар айтиб, биз, ижодкорларнинг бахтига шундай инсонлар кўпайишини тилаймиз.

Муаллиф.

ШЕЪРЛАР



СУЗОҒИМ

Буюк ипак йўлида борсан хар он, Сузоғим,
Харитадан жой олдинг, калби жаҳон Сузоғим.

Таърифингга тил ожиз, қараб тўймайди кўзим,
Номингни элга ёйиб битай дoston, Сузоғим.

Боғлару, ўрмонзорлар ўзига чорлар мудом,
Тупроғинг олтингга тенг, жаннатмакон Сузоғим.

Одамларинг дилкашу, бир-бирига меҳрибон,
Этади жонин нисор, марди майдон Сузоғим.

Хотамий, Хонтахлитлар дея бир-бирин алқаб
Осуда хаёт утар, дўст-кадрдон Сузоғим.

Кураги ер кўрмаган ботир пахлавонларинг
Бордир, тилларда дoston, Дакан полвон, Сузоғим.

Гитлер билан олишиб, Ватан дея жон берган
Минглаб Жалолиддинга ўзинг бўл жон Сузоғим.

Авиахалокатда қурбон бўлди йўлдоши
Садокатнинг тимсоли Саломатхон, Сузоғим.

Таралса ёқимли сас, булбуллар ҳам колар лол,
Ҳофизларнинг сардори Икром Бўрон, Сузоғим.

Сотволди хожи ота номин ардоқлаб бу кун,
Элин хизматига шай тўртта ўғлон, Сузоғим.

Етимлар бошин силар кўрсатишиб мурувват,
Топганин элга берар бунда хар он Сузоғим.

Сузоқни Сузоқ қилган мард инсонлар бор бўлсин,
Раъно, дуога қўл оч, бўлсин омон Сузоғим.

1999 йил.

МУҲАББАТГА ОШИФТА КҮНГИЛ

Сизни порлоқ куёшим дедим,
Дил ўртовчи дилдошим дедим.
Сизга пинхон дилимни очиб,
Тунлар сирдош хилолим дедим.

Сизга ишқий ашъорлар битсам,
Олиб кочди ўйноқи сабо.
Кошингизга бормоқ истасам,
Олиб кетди бўйсунмас, асов.

Кайда бўлмай сизга илтижо
Килиб кўнглим интизор кутди.
Аждарходек бу хижрон дарди
Ямламаёк юрагим ютди.

Муҳаббатнинг кўйида ҳамон
Ўтмоқдадир бу жоним ҳалак.
Сиздан садо бўларми, дея
Андармондир руҳим - капалак.

Ҳаловатим буткул йўқолган,
Бепарвосиз, айтингиз, бунча.
Кўзларимда сизга аталган,
Муҳаббатим яшайди — ғунча.

Кўзларимга бир лаҳза бокинг,
Муҳаббатдан қолмайсиз омон.
Дилимга ишқ оташин ёкинг,
Хижрон дарди ёмондир, ёмон.

— 1992 йил.

I

ҚҶМСАШ

“Мен сизни, мен сизни кўргим келади,
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга”.
Хаёлларим юпанч излаб елади
Паноҳ излаб хориган бу жонимга.

Паноҳ йўқдир бу бевафо дунёда,
Сарсон кездим, фойда бермади сира.
Ғам-андухлар яна бўлиб зиёда,
Ташвишлардан бошим чикмади, дада.

Дадажоним, изларингиз излайин,
Сувратингиз кўзга суртиб бўзлайин.
Сизга томон бормокликни кўзлайин,
Сизни жуда соғиндим, жоним дада...

Яна кўклам келди сизсиз мунгайиб,
Сизсиз сира олам бокмади кулиб.
Лолакизғалдоқлар қабрингиз кучиб
Йиғлади мен каби бошини эгиб.

Сиз эккан дарахтлар кўзимга ғариб
Кўринар боғбонин йўқлигин сезиб.
Хаттоки, ёлғизлик жонидан ўтиб
Келмади сиз севган турналар қайтиб.

Не қилай, Аллохнинг айтгани бўлар,
Такдирга тан бермай иложим қанча.
Дийдор насиб бўлсин майдони машҳар,
Унгача, Аллоҳим, сабр бер пича.

“Мен сизни, мен сизни кўргим келади,
Лекин айтолмайман буни ҳеч кимга...”

1992 йил.

II

СОЯБОН

Кабрингиз устида бир жуфт хайри гул,
Кийғос очилганди, дадажон, алҳол.
Улар таъзим берди сизга ҳар нахор,
Шаббода бошини силаган маҳал.

Дадажон, турмушнинг залворли юки
Бахона бўлди-ю, хабар олмадим.
Қахратон киш куни сизни сўроқлаб
Бордим-у, ўзимга кела олмадим.

Водариг, табиат эҳсонин каранг,
Ҳеч шикаст топмайин турибди гуллар.
Қор-ёмғир ёғса-да, бошидан каранг,
Сизга таъзим бажо килмоқда улар.

Кувончли, аянчли ушбу манзара
Хаёлимни бир зум тарк этмас тоқай.
Дадажон, шу гулча посбон бўлолмай
Ўтаётган умрим армонли, нетай.

1993 йил.

IV

САБОҚ

Дада, соғинч қийнаб эзарди дилим,
Жигарим кабобу, юрак лолагун.
Номингизни доим такрорлаб тилим,
Овозим шикаста, бу бағрим дилхун.

Тушимга кирдингиз дадажон кай кун,
Ғафлат уйқусидан уйғондим шунда.
Сизнинг рухингизни шод этмок учун
Лозим онам кўнглин овламоқ кунда.

Онам бошимдадир, парвона доим,
Дардимга малхам бўлмоқ истайди.
Бирок хаёлларим — менинг сирдошим
У сиз билан суҳбат курмок истайди.

Онамга боқдим, азобда қолдим,
Лабида хандаю, кўзларида мунг.
Дилининг тубида армонлар кўрдим
Изтиробда ёндим, бўзладим беун.

Хаёлот уммони тизгин бермайин,
Домига тортади, тинмайин мени.
Гўё уйқуда маст, ўзга келмайин
Чорладим, дадажон кошимга сизни.

Фарзандлик бурчини окламок учун
Ота-онамизни эъзоз этайлик.
Оламдан ўтганда фарёд бефойда.
Хаётлик чоғида хушнуд этайлик.

1993 йил.

УМИД

Тўзғитиб сочларим дайди шамоллар
Елади ховлимда бўлиб дарбадар.
Юрагим қийнайди оғир саволлар,
Хотира қатларин титиб саросар.

Шамоллар! Сиз билан кетгим келади,
Дунё ташвишларин буткул унутиб.
Бахтли, саодатли кунлар келади,
Унгача яшайин ўзни унутиб.

1989 йил.



III

ОТАМГА МАКТУБ

Тун чодрасин ёпиниб
Кириб келар хонамга.
Заррин нурга топиниб
Мактуб битгум отамга...

Чувалиб ўйим хар ён
Уйку бермас кўзимга.
Интизорлик хўп ёмон,
Келолмасман ўзимга.

Тиним билмай ўрмалар
Қалам қоғоз устида.
Айриликда ўртанар,
Юрак ёнади бунда.

Армонларим дилда мўл
Қайлардасиз, отажон?
Йиғласам ёшларим кўл,
Булар дарё, ё уммон.

Сизни излаб, сўроқлаб
Дил - кушим бўлди сарсон.
Кўнгил - боғим хувиллаб
Зоғларга бўлди макон.

Онам гоҳо зорланар,
Канотлари қайрилиб.
Сал гапдан озорланар,
Дилдошидан айрилиб.

Куш каноти жуфт бўлар,
Самоларни кучгани.
Жуфт канот йўлдош бўлар
Орзуларга етгани.

Онам ток канот билан
Орзуга етолмади.
Дилда чўнг армон билан,
Бахтларни кучолмади.

Сизнинг умрингизни ҳам
Онамга берсин Тангрим.
Не бўлса кўриб бахам,
Дийдордан тўлсин бағрим.

Тонг отар лаҳза сайин,
Нурга беланар дунё.
Юзларим силар майин
Шабода, дийдорми, ё...

1995 йил.

ҲУТУМА

Бенуксон яратмиш сени Аллохим,
Юзингдан нур ёғар, кўзингдан зиё.
Меҳрингга ташнаман, зор этма ёрим,
Ишқингда куйлагум булбулигўё.

Олам гўзаллиги бўлиб намоён,
Қаршимда яна сен бўласан пайдо.
Кўнглим куши парвоз этиб сен томон
Ошкор этар бўлганлигимни шайдо.

Севгим тилимдамас, дилимда мангу -
Яшар то тирикман, мен-ла ҳамнафас.
Сендаги мухаббат, пок ният, туйғу
Асир этган мени, гўзаллик эмас.

1991 йил.



ЕРЛАҚАГИН

Севгим, чинни пиёла,
Синишидан кўрқаман.
Пиёлада ҳар кимса
Сув ичишдан кўрқаман.

Севгим, мисли бир ғунча,
Сўлишидан кўрқаман.
Бевафонинг кўлида
Хор бўлишдан кўрқаман.

Севгим, мисоли олов,
Сўнишидан кўрқаман.
Юрак бағримни ёқиб
Кул қилишдан кўрқаман.

Кўркувларни қувишга
Ўзинг кодирсан, Эгам.
Бахтимни бекам қилсанг
Юрагимда қолмас ғам.

1985 йил.

БАХТ ОЛИБ БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди, гулбаҳор,
Кайдасан, гузал дилдор.
Юр, боғларга чиқайлик,
Гуллолалар терайлик.

Бошимиз узра сахий
Куёш нурин сочади.
Хандон кулиб табиат,
Жамолини очади.

Арик бўйида ялпиз,
Хуш атрини таратар.
Сен айтолсанг менга роз
Дил ғуборим аритар.

Иккимизни олқишлаб
Парвоз этади қушлар.
Бахтимиздан фол очиб,
Жуфт-жуфт учади улар.

Баҳор — муҳаббат фасли,
Дейди Ҳазрати инсон.
Диллар яшарар асли
Баҳор — бахт келтирган он.

1986 йил.

ҲИСОБЛИ ДУНЁ

Вужудим какшайди, титрайди таним,
Тор кафас кўринар кўзимга дунё.
Рухимга оғир дард бермайин тиним,
Тегирмон тошини юргизар гўё.

Ярамае кимсалар бунчалар бисёр
Кун сайин кўпайиб илдиз отади.
Уларнинг макри кўп, шайтондек айёр
Ҳақиқат пайини киркиб ётади.

Юқори мартаба, обрў йўлида
Ҳар қандай харомга кўлин уради.
Гўёки осмон ҳам улар кўлида,
Ташлаб юборишга шайдек юради.

Уларнинг айби-ла замони алағда,
Юртда барака йўқ, камёбдир имон.
Чиқарилган фармонлар бўлиб палағда,
Кўнгилни беҳузур қилади, инон.

Бу оғир дардми, ё кўргулик, билмам.
Ёмонлар қасрига қолдикми, хайхот!
Ташвишлар юрагим эзиб дам-бадам,
Дузах азобини эслатар, нахот.

Нахотки, умримиз шундайин файзсиз
Ўтиб кета берса бесас, самарсиз.
Ҳисобли дунё бу, бир кун сўзсиз
Аллоҳнинг олдида жавоб берамиз.

1990 йил.

БАХТЛИМИЗ

(Умр йўлдошим Абдувоҳид)

Севги бору, лекин журъат йўк,
Юрак сирин изҳор этгани.
Мужгонларим бугун бўлди ўк,
Нишон олиб ғуруримизни.

Иккимизда қолмади тоқат
Нураб битган сабрнинг тоғи.
Қалб амрига қилиб итоат
Муҳаббатга қул бўлдик чоғи.

Муҳаббатнинг ширин азобин
Тотмоқ истар интизор диллар.
Кўзларимиз айтар жавобин
Бахтга йўлдош бўламиз бизлар.

1996 йил.



Куёшнинг харорати
кун сайин ортиб борар
Ям-яшил либос кийган
табиат яшнар, кулар.
Дехконлар кетмон тутиб
даласига йўл олар,
Ерга хўб ишлов бериб
сўнг унга уруғ кадар.

Наврўзда яхши ният
тилаклар айтилса гар,
Эл тилаги мустажоб,
нияти хосил бўлар.
Наврўзи айём бугун —
барчага бахт келтирсин,
Она-сайёрамизда
Тинчлик барқарор бўлсин.

1992 йил.

ДЎСТИМГА

Дўстинг бўлса очик, жангари
Нуксонларинг бетингга айтса.
Содик бўлса, вафодор бари
Оргингдан хеч таъна қилмаса.

Йиқилганда суянчик бўлиб
Оғир дамда ҳамлард бўлолса.
Шодмон кунда ҳамрохинг бўлиб
Кувончингни тенг бўлишолса.

Шундай дўстни излаб доимо
Юрак курғур интизор кутди.
Адоғи йўқ сарҳадлар аро
Тополмайин зардоблар ютди.

Дўстинг бўлса очик, жангари...

1997 йил.

СИРЛАРИМ

Дилимда жарохат излари
У қачон битади, билмайман.
Сирларим — юрагим кизлари
Уларни ҳеч кимга бермайман.

Жарохат излари битгунча
Балки умрим топади якун.
Ғанимлар сирларим ололмай
Надоматлар чекар уша кун.

1998 йил.

КЕЛ, БАҲОРИМ

Хазонли боғларни кезиб мен агар,
Хаёл оғушида бўлсам дарбадар.
Кузак шамоллари эсиб сарбасар,
Шивирлаб номингни ёдимга солар.

Яна қайтса дейман такрор ва такрор
Сен-ла бирга ўтган маъсуд онларим.
Берахм фалакка қилгум илтижо
Севгимни қайтаргин, келсин Баҳорим!

1989 йил.

УЛ ҲУР ПАРИ...

Тушларида тулпор миниб келгандингиз,
Ҳузурига шамол каби елгандингиз.
Юрагига ишқ-оташин ёкиб шул дам
Муҳаббатга ошно қилиб кетгандингиз.
Шундан буён сизни ўйлар, ул хур пари...

Муҳаббатнинг боғига сиз боғбон бўлинг,
Мушкулотга дуч келганда посбон бўлинг.
Бахтнинг қасри вафодорларга маскан —
У малика, сиз эса подшоҳ бўлинг.
Шуни ўйлар, шуни тилар, ул хур пари...

Садокатли ёр келар деб у интизор —
Йўлингизда кўзи толди, чекди озор.
Тушда кўриб сизга ошиқ бўлди дилдор,
Гул кўтариб келинг энди миниб тулпор.
Бахтга йўлдош этар сизни ул хур пари...

1996 йил.



ЁР-ЁР

Ок куш эдик осмондаги, осмондаги ёр-ёр,
Ёр-ёр билан ерга тушдик, ерга тушдик ёр-ёр.

Янгалар куршовида чимилдикка кирганда
Бахт хакида ширин хаёл сурган эдик ёр-ёр.

Севгимиз косасига оғу солиб ғанимлар,
Рахна солмок истадилар, ўртамизга ёр-ёр.

Бахтга эришмоқ мушкул эканин кеч англадик,
Ногоҳ сайёд канотимиз синдирганда ёр-ёр.

Ағёрларнинг дастидан омон сақла, Худойим,
Дўстлар кимдир, ағёрлар ким, ўзинг англади ёр-ёр.

Тилаклар дилда бисёр, иккимиз оккуш бўлиб,
Бахт манзили томон шитоб учайлик ёр, ёр-ёр.

1994 йил.

НАЙЛАЙИН

Орзуларим армон бўлди, армон бўлди, найлайин,
Куз ёшларим дарё бўлди, дарё бўлди, найлайин.

Мен ишонган Шахсуворим ўзгаларга ёр экан,
Кулаганим бахт манзили сароб экан, найлайин.

Тилакларим инобатга олмадингми, Худойим,
Беким тахтни тилагандим, ярим бердинг, найлайин.

Умидларим бисёр эди, бисёр эди, вожаб —
Кўнглим уйин вайрон этди бағритошим, найлайин.

Раъно, бунда нола чекдим, охим ёрга етмайди,
Барчасидан воз кечишга қурбим етмас, найлайин.

1995 йил.

ГҶЗАЛИМ

Гўзалим сохибжамол,
Юзи анор, сўзлари бол.
Қоши қаро, кўзи шахло,
Лаъли лаби бамисли ол.

Қўнган гул яноғига
Бир дона коп-қора хол.
Васлига етолмайин
Бўлдим мен бечорахол.

Ёрим танҳо мен учун,
Кўкда порлаган хилол.
Ҳар туним бедор ўтар
Рангларим афтодахол.

Гўзалим қилмай фирок,
Агар сўрсанг мендан хол.
Ғамларим кетиб йирок
Дилгинам бўлар хушхол.

1991 йил.

ПОКЛИК ТИМСОЛИ

Шахризод билан сирдош тутиниб хар тун
Ўқиб чикаман такрор “Минг бир кеча”ни.
Олиб кочар ўйимни минг битта хаёл,
Кўз олдимдан кетмайди бокира аёл.

Шахризод, эртақларинг ром этган мени,
Асир этгани каби Шахриёрингни.
Ахир ўзинг эмасми, поклик тимсоли,
Эзгуликка чорлайсан қуёш мисоли.

Офтоб чарақлаб турса чекинар зулмат,
Қалбларга улушади меҳр-мурувват.
Қайгадир йўқолади шаксиз кабохат,
Кўнгилларни тарк этар иблис, хиёнат.

Ўзинг устозлик килиб кўлимдан тутдинг,
Дўст, душманнинг фарқини англадинг ўзинг.
Садоқат-ла муродга етмоқлик бахтдир
Шундайин улкан бахтга ёр этдинг ўзинг.

1985 йил.

АРМОН

Юрагим қатига номингни битиб,
Кўзларим тубида сувратинг яшар.
Сени севмок ўзи гуноҳдир асли
Эй телба хаёллар, сирларим яшир.
Муқаддас туйғуларим —
Бокира севгим.

Сен ўзга санамга ёр бўлган кеча
Аллоҳдан бахт тилаб тонгни оттирдим.
Кўзимдан оққан ёш қўлга айланди,
Юрагимни наҳангига юттирдим.
Армонли Муҳаббатим —
Кечиққан Бахтим...

1990 йил.

КУТАМАН

Кунглимни асраш, билмам,
Кулингдан келармикан?
Хаџтимни бахш этсам
Вафо курсатармисан?
Билмам...

Юрагимни топшириб
Хато килмадимми, айт?
Мардлар ичра мардим деб
Адашмадимми, рост айт?
Билмам...

Саволларимга жавоб
Кутиб яшарман беун.
Килгум пойингни тавоб
Севаман деб айтган кун
Кутаман...

1996 йил.

ИНТИҚЛИК

*(Арслонбоблик мархум шоир
Умматали Қўзибоевни эслаб)*

Мехрга зор, ташна бу кўнгил,
Вафо кутиб толиқди, нетай.
Юрагимга эккан эдим гул
Хазон бўлди, очилмай нетай.

Бошим узра айланар тинмай
Қузғунларнинг бир тўп галаси.
Булбул нола чекади билмай
Қуёш кулмай сахар палласи.

Юлдузлар ҳам бўлишиб хайрон,
Қўк сахнидан бокади маҳзун.
Ой сузади кўзлари гирён
“Муҳаббат йўк”, демиш у дилхун.

Тош қалбларни эритиб қуёш
Зар қоқилин ёяди шодон.
Гул баргида қолган томчи ёш
Мехри жўшиб йўқолар шу он.

1998 йил.

БИР КҮРДИМ

“Бир кўрдиму лол бўлдим,
Севгингга асир бўлдим”.
Сенга жоним садаға,
Пойингда ғубор бўлдим.

Гулга буркай йўлингни,
Хатто ўнгу, сўлингни.
Бахт касри бунёд этай,
Бергин кўлимга қўлни.

Йўллар туташсин мангу,
Диллар туташсин мангу.
Бирга даврон сурайлик,
Севгимиз бўлсин мангу.

1987 йил.



СЕН ҰЗИНГ...

Деразамни чертиб охиста
Куйлаб ўтар майин шабода.
Кўклам дея кўнгиллар хаста
Бўлганларга тутказар бода.

Бода ичган кўнгиллар сархуш
Бўлиб яйраб кулар мастона.
Гумрох айтар: “ўнгми ёки туш”
Гўзалликдан бўлиб хайрона.

Замин узра гиёҳ сабзалаб
Яшил либос кияди буткул.
Фунча шодон кулиб очса лаб
Гул ишкида ёнади булбул.

“Гулдур-гулдур” кўшиғин бошлаб
Чакмок чакар қараб турмай жим.
Чанқок дилга хузур бағишлаб
Абри найсон ёғади сим-сим.

Найсондан сўнг чикса камалак
Осмон токи кетар ёришиб.
Гулдан-гулга кўчган капалак
Гўзалликка кетар коришиб.

Табиатга чирой бахш этган,
Сен ўзингсан, Кодири якто.
Ўн саккиз минг олам яратган,
Сен ўзингсан, энг буюк дахо.

2001 йил.

ИЗҲОРИ ДИЛ

Ёниб учган юлдуз мисоли
Кўриндингу йўқолдинг изсиз.
Хаёлларим ўғирлаб кетдинг
Банди этдинг ўзингга ипсиз.

Шундан буён хижрон дардида
Ўртанади бу телба кўнгил.
Висол ишки ёндираб таним,
Оташида қоврилдим буткул.

Минг азоблар чекса-да кўнглим
Сенга томон парвоз этар, бил.
Хижрондан сўнг мангу висол бор,
Шуни ўйлаб таскин топар дил.

1990 йил.

КЎНГИЛ НОЗИК

Қалб риштаси боғланур,
Севги-ю, садоқатдан.
Мангу юрак доғланур,
Озору хиёнатдан.

Кўнгил билан ўйнашиб,
Беҳуда озор берма.
Юракнинг нозиклигин
Сен ҳеч қачон унутма.

1985 йил.

КЕЛМАСМУ?

Килбга ишк гулин такиб, дилистоним келмасму,
Ахдига вафо айлаб гўзал ёрим келмасму?

Келарму, деб интизор йўлларига кўз тутдим
Богларда гуллар хазон, гулбахорим келмасму?

Сени ўйлаб туну кун, оромим йўк ушбу кун,
Тилимда номинг такрор, вафодорим келмасму?

Хижрон азоби эзар, юрак бағрим кон этиб,
Халимни сўраб бир бор бахтиёрим келмасму?

Раъно сени сўроқлар, хар тонг туриб сабодан,
Ишк бобида вафодор, меҳрибоним келмасму?

1987 йил.

ҲОФИЗЛАР САРДОРИ

*(Ўзбекистон халқ ҳофизи
Шерали Жўраевга)*

Ҳофизларнинг сардори бўлиб,
Асакадан таралар наво.
Лаълихоннинг кўйларин боқиб,
Ошик-дилга тополди даво.

Кўйлар ёниб, куй қанотида
Илк муҳаббат кўрсатар бўйин.
Туксон олти қон томирида
Жушар севги, ўғирлаб ўйин.

Ўзбегимнинг булбулидир у,
Бошда дўппи, кўлда шўх сози.
Кўшиклари кўркам, латифу,
Жарангдордир дилбар овози.

У куйлайди сахнада ёниб,
“Ўзбегим”ни авжига олар.
Тинглагувчи кўнгиллар қониб
Охангларга жўр бўлиб оқар.

Кўз-кўз этиб жаҳонларга у
Мадҳ этади юртин жамолин.
Донг таратса оламга мангу
Кўрсам дейди буюк камолин.

Таърифлайди баходир, тенгсиз
Жаҳонгашта Амир Темурни.
Буюк хисга асирдир шаксиз,
Мир Алишер, Мирзо Бобурни.

У куйлайди элим дардини
Қушиқлари учар қуш мисол.
Аждодларим солар ёдини
Хонишида жам бўлиб висол.

Санъат йўлин сеҳридан сармаст
Куйлар ёниб Шерали устоз.
Ошиқ диллар қушиқлардан маст
Олкишлайди, табиат хассос.

2003 йил.



ЙИГИТЛАРГА

Кўнгил нозик гул эрур,
Хар кимса ҳам англамас.
Васлига етмоқ учун
Гул совға кил, пул эмас.

Олса уни бил чиндан,
Асирангга айланган.
Ишқини саклаб пинҳон
Дил торларин боғлаган.

Олмаса эвоҳ, куйиб,
Кул бўлмасин юрагинг.
Умр йўлинг ёритсин
Муҳаббат — шамчироғинг.

Вакт олий ҳакамдир,
Кўрсатар уни тақдир.
Қалбга йўл топиш, билсанг,
Мард йигитнинг ишидир.

Қалбга йўл топиш, билсанг,
Вафолилар ишидир.

1989 йил.

ВАФО ШЕВАСИ

Ажабланма, кулиб карасам,
Сен борсанки, мен бахтиёрман.
Агарда сен вафодор бўлсанг,
Бир умрлик сенга йўлдошман.

Сен-ла бирга куйлагим келар
Севги ва бахт таронасини.
Аmmo, нетай қўлимдан келмас,
Гурур тўсар хамон йўлимни.

Тушларимга кирасан хар тун,
Қалб сирларинг этасан баён.
Бонлар аро юрсак ёнма-ён,
Садокатинг бўлади аён.

Ва мен шунда англайман чиндан,
Қалб тўрингдан берибсан ўрин.
Жавоб кутиб термулма, жоним,
Сенга сўзсиз таслимман, таслим.

Факат, жоним, битта ўтинчим:
Муҳаббатим асра, авайла.
Пок севгимга хиёнат қилиб
Қўзларимни харгиз ёшлама.

Ишонч бўлса бизларга хамдам,
Кслажакка ташлаймиз кадам.
Дўстлар айтар яхши ният-ла:
Турмуш завқин сурунгиз хар дам.

1985 йил.

УМИД

(Репрессия қурбони Усмон Носирга)

Олиб кетинг узок-узокка,
Баланд учган азиз турналар.
Висол бордир қанотингизда
Соғинч кийнаб калбим тирналар.

Изтиробда яшамок оғир,
Ишонч боғи қуриди нетай.
Олиб учинг манзилингизга
Бу ерлардан бош олиб кетай.

Хаётимнинг баҳори кулмай,
Хижрон кузи келди ёприлиб.
Ишонч оглик дарахт қуриди
Япроклари чирт-чирт узилиб.

Парвозингиз кўриб турналар
Сизга келар рости хавасим.
Ортингиздан термулганча жим
Видолашдим, чиқармай сасим.

Баҳор келгач қайтасиз яна
Севги ва бахт қўшиғин куйлаб.
Хазонрезги боғимга кўнинг
Ишк гунчаси очсин аста лаб.

1990 йил.

СЕВГИ ГЎЗАЛ

Ҳар ким ўз севган ёри
ишқида ёниб ўтсин.
Севгига вафо айлаб
муҳаббатин пок тутсин.
Дунёда севги, вафо
доим барқарор бўлсин,
Садокат-ла ҳар инсон
ўз муродига етсин.

Садокатли инсонлар
доим шодумон бўлсин,
Не истаса мустажоб,
нияти ҳосил бўлсин.
Вафосизлар хору зор
муҳаббатга зор бўлсин.
Дунёда вафодорлик
барчага шиор бўлсин.

Вафодорлик бор жойда
оқибат ҳам бор бўлур,
Оқибати борларга
Аллоҳ ўзи ёр бўлур.
Раънонинг сўзлари чин
амал қилсангиз бўлар,
Дилингиз равшан тортиб
иймонингиз бут бўлар.

1995 йил.

КУТИШ

Куз ёмғири шивирлаб аста
Деразамни черта бошлайди.
Хазонрезги дарахтлар аста
Ҳасратларин тўка бошлайди.

Ер бағирлаб ётган япроклар
Қисматидан нолиб бўзлайди.
Қаҳр отига минган шамоллар
Алам билан бағрин тиглайди.

Хазон мисол эзғилаб хижрон
Юрагимни қижимлаб отар.
Висол қарахт, боқади хайрон,
Хавотир-чи, болалаб ётар.

Эшигимдан кириб келади
Соғинч тўла интиқ нигоҳлар.
Хайратларга сингиб кетади
Унутилар барча гуноҳлар.

1998 йил.

ТАНБУР НАВОСИ

*(Ўзбекистон халқ ҳофизи
Турғун Алиматовга)*

Танбур тори юрагим кўшиб
Вужудимни чертар охиста.
Асрларнинг ғамидан тўлиб
У куйлайди юраги хаста.

Куй таралар, куй канотида
Самоларга парвоз этаман.
Танбур сўйлар “Чўли ирок”дан
Охангларга сингиб кетаман.

Боболарим хасратларига
Корилгандир бу қадим наво.
Момоларим кўз ёшларига
Айлангандир армонли дунё.

Куйлайвергин “Чўли ирок”ни
Интизор дил хислардан жўшсин.
Тилга олсанг хамки фирокни,
Кўнгилларга яқинсан, яқин.

1993 йил.

СИЗ ЎША

*(Ўзбек романчилигига асос солган адиб
Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”
асаридан таъсирланиб ёзилган)*

Қўлимдан қўймайман “Ўтган кунлар”ни
Хар сатри бўлса-да, дилгинамга жо.
Севишган қалбларнинг қисмати ўртар
Юрагим уради тинмайин бежо.

“ – Сиз ўшами?

– Ҳа, мен ўша...”

Пичирлар лаблар аста.

Бу сўзлар асираси, менман ўша

Мен ўша...

Дилимга мухрланди

Отабек, Кумуш сўзи

“ – Сиз ўшами?..

– Мен ўша...”

Пичирлар лабим аста

Юрагим хаста.

Бунчалар берахм тақдири азал,

Шафкат нелигини билмасми ахир?

Севишган юраклар муродга етмай

Ноҳақлик қурбони бўлишар охир.

Истагим: севганлар муродга етиб

Мангу бахт қасрини бунёд этсинлар.

Хар йигит Отабек мисоли бўлиб,

Қизлари бокира Кумуш бўлсинлар.

Висол чоғи айтсинлар такрор:

“ – Сиз ўшами?..

– Ҳа, мен ўша...

– Кутилмаган бахт...”

1989 йил

НЕТАЙ

Севганимни кутгандим, келмаса келмасин нетай,
Хадрида кон йиғладим, билмаса билмасин нетай.

Кечалар бедор бўлиб ёлвордим кенг самога
Васелига бўлдим мушток, сезмаса сезмасин нетай.

Қўлларимда даста гуллар, сарғайди хазон мисол,
Холнинг не деб назарга илмаса илмасин нетай.

Раъно куйлар ишкингда, мисоли булбулигўё
Гул бепарво севмаскан, севмаса севмасин нетай.

1987 йил.

ШЕЪР ЁЗМА ДЕМАГИН...

Шеър ёзишни бас қил, деб айтдинг,
Ахир шеърда не гуноҳ жоним.
Шеъриятсиз умрим маънисиз
Мисраларда яшайди жоним...

Кўнгил шеърга мойил эканми
Демак, унда севги мужассам.
Севган кўнгил ардоқлаб уни
Ичмайди ҳеч ёлғона қасам.

Шеърларимдан иллама губор
Губор инмас кўзгуларимга.
Дилгинамни у айлаб баҳор
Хиётимни бермас кузларга.

1996 йил.

БАХТЛАР ВОДИЙСИ

Бахорлар пойандоз тушар йўлингга,
Дарахтлар гулдаста тутар кўлингга.
Юр гўзал кўлингни бергил кўлимга
Бойчечак, бинафша терайлик бирга.

Бахорлар бизники, бизники бўлсин,
Ҳаётдан завкланиб кўнгиллар тўлсин.
Кел, гўзал, кўлингни бергил кўлимга
Бахт, висол кўшигин куйлайлик бирга.

Сенинг кўзларингда бахор кулади,
Чечаклар юз очиб, бахтлар кулади.
Эй гўзал калбингни берсанг ўзимга
Бахтлар водийсида қоламиз бирга.

1988 йил.

ЁРГИНАМ ДИЛДОР

Телба кўнглим хайронадир,
Ёр ишида девонадир,
Юраккинам минг порадир
Назора қилмасанг Дилдор.
Эй ёр — Дилдор.

Кенг дунё хам сенсиз тордир,
Тўғри йўл хам мисли дордир.
Сенсиз менга хатар бордир
Ёнимда бўлмасанг Дилдор.
Эй ёр — Дилдор.

1990 йил.

ЭЪЗОЗ ЭТАЙ

Осмондаги ок булут
Ок тулпорга ўхшайди.
Менинг вафоли ёрим
Ой, Зухрога ўхшайди.

Сурма кўзли нигорим
Сочига таккан тумор.
Туморинг гўзал ёрим
Мени айлаган хумор.

Ёргинамнинг йўлига
Гулдан тўшай пойандоз.
Олов ёкиб дилига
Бир умр этай эъзоз.

1985 йил.



СЕВГИМ

Севгим,
Хисларимни хаёга ураб
Хузурингга шамолдай шошай.
Сўзларимни ифбатга чирмаб
Икболингга дарёдай тошай.

Севгим,
Хаёлларим гулга ўрайин
Гулдек яшнаб кулсин севгилим.
Хижронларга завол тилайин
Хазон нима билмасин Гулим.

Севгим,
Аро йўлда холдан тойдириб,
Фам-андухнинг лойига қорма.
Муҳаббатим етим қолдириб
Бевақт кетгум, гуноҳга қолма.

Севгим...

2000 йил.

ОШИҚЛАР БАҲСИ

Тун. Сукунат, борлик уйкуда,
Кўк сахнида сузиб юрар ой.
Унинг нозли ишвасини жим
Кузатади, шовкин солмай сой.
Ўз аксини кўриб сувда ой
Мафтун бўлиб колди ўзига.
Бундан хабар төпган булутлар
Парда тортди унинг юзига.
Юм-юм йиғлаб беҳол оймомо
Йўл олади ўз ётоғига.
Дил розини айтолмаган сой
Қамчи босди ғазаб отига.
Шовкин солиб кўпириб окди,
Қирғокларни емирганча сой.
Ошиқларин колдириб доғда
Кочиб колди, қуёш чикқач ой.

1993 йил.

ТАРК ЭТМАСИН

Қор ёғар ҳамон
Бермайин омон.
Бокаман хайрон
Дилгинам вайрон.

Ёр келар йўлин
Қорлар тўсмасин.
Ғам, андух дилин
Сира босмасин.

Сенга интижор
Бир далли кўнгил.
Ишқда вафодор
Сен уни билгил.

Кимга садоқат
Ғар бўлса ҳамдам.
Дилларга роҳат
Бахш этар хар дам.

Бирга бўлсак ёр,
Қорлар писандмас.
Дилларни баҳор
Тарк этмаса бас.

1990 йил.

ҒУРҒУР

Кўнглим сирлар сандиғи
калити эса тилим.
Сирларим яширолмай
бўлди у тилим-тилим.
Юрагимга оғирлик
килиб қолди сирларим.
Сени севганлигимни
яширолмас хисларим.

Шундай бўлса-да нетай
айтолмадим ўзингга.
Ҳаё ғолиб келдими,
қаролмадим кўзингга.
Қизлик ғурури дея
севганлигим яширдим.
Мағрурман, дея пинхон
ўз кадримни оширдим.

Ногоҳ, қай қун шум хабар
олиб келди жодугар.
Мен ишонган Шахсувор
бўлганмиш ўзгага ёр.
“Ёр-ёр” садоларини
келтирма бебош шамол.
Буни қунни кўрсатгунча
Аллоҳим, жонимни ол.

АСИРАНГГА АЙЛАНГУМ

Кўзларингда кўрдим бу кун
 ўтли мухаббат шуъласин,
Ўша шуъла машъал бўлиб
 ёритсайди умр йўлим.

Жон олгувчи хумор кўзлар
 туйиб мухаббат лаззатин,
Бахтга йўлдош бўлиб диллар
 сурсайдилар ҳаёт завкин.

Бахтга интиқ сайёҳдирман
 йўлчи юлдуз ўзинг бўлгин,
Ғам-андухни кувиб дилдан
 осмонимда ойим бўлгин.
Йўлчи юлдуз, хилол недир,
 киёсингга сўз тополмам.
Юрагимга олов қалаб
 порлаб турган қуёш бўлгин.

Шундагина асирангга
 айлангум, жоним Бегим...

1992 йил.

ФАСЛИ НАВБАҲОР

*(Таниқли санъаткор Таваккал
Қодиров хотирасига)*

Фасли навбаҳор улди, кетибон зимистонлар
Дустлар ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар.
(Қўшиқдан)

Қўшиқ янгради дилларни ўртаб
Бир қўшиқки, ажиб фусункор.
Куй қаноти вужудим ўраб.
Хаёлларим олар афсункор.

Яшил сабза пойандоз тўшаб
Кўз олдимда жонланар баҳор.
Олам-олам шодлик-ла жўшиб
Қушлар Ҷаҳ-Ҷаҳ айтишар алёр.

Фасли айём баҳор келганин
Дараклайди қулиб бойчечак.
Бинафша ҳам ийманиб секин
Юз кўрсатар нозли келинчак.

Бошга харир рўмолин ёзиб
Оқ елқандек чайқалар боғлар.
Мангу муздан юраги безиб
Кўз ёшларин тўқади тоғлар.

Аркамчисин узун тортишиб
Учиб келар азиз турналар.
Хофиз қайда, дея сўғоқлаб,
Юрагимни эзиб тирналар.

Жавоб топиш мен учун душвор.
Изгиробдан дилим ўртанар.
Хофизини тополмай баҳор,
Найсон бўлиб масратин тўкар

Хофиз халки ошиқ дилларга
Мухаббатдан сўйлагани рост.
Умрбоқий қўшиқ дилларга
Мухоланиб қолишлиги рост.

...Ошиқ дилга хузур бағишлаб
Гуллар атри оламга тўлсин.
Хофиз қайда дея очманг лаб,
Сўрагувчи Навбахор бўлсин.

2000 йил



ХҲР ҚИЗ

Энди сени унутмоғим шарт,
Сен ҳам мени унут жонгинам.
Ўзга ёрга ишқинг тушибди
Аллоҳ иши - йўқ сенга гинам.

Тушларимда тинчим олмагин,
Ортик мени қийнамагин, йўқ.
Дил кушимни этди ярадор,
Маккор гўзал отган дайди ўқ.

Ғойибона боғлаб сенга дил
Кумушингман, деб қилдим хаёл.
Бегим, дея ёлғонлар тўқиб
Йўлдан урди сени шум аёл.

Ул санамнинг ёлғон сўзлари
Содда кўнглинг этдими асир?!
Сўзлари чин бўлганда эди,
Дил тубида тутмасмиди сир?!

Маккор гўзал қўйган тузоқда
Қурбон бўлган ожиза қушман.
Хотирангга ёркин из бўлиб
Жаннатларда юрган ҳур қизман.

1994 йил.

МУНОЖОТ

Дунё сиру жумбокларга бой
Ожиздирман уни ечмоққа.
Хом суг эмган гўл бандангдирман
Ақлим етмас барин билмоққа.
Олам сирин англамоқ учун
Илохий куч бергин, Худойим!

Дўстларимнинг қалбин билгунча
Умрим сўнгги манзилга етар.
Мен ишониб юрган кимсалар
Шод тобутим ортидан кетар.
Сохта дўстлар инсофга келиб
Шайтонга хай берсин, Худойим!

Севмоқлик ҳам ўзи катта бахт
Эқанлигин англадим секин.
Севги йўлим нурафшон этди
Усиз кўнглим топмасди таскин.
Агар гуноҳ бўлса севоқлик
Осий этгин, майли, Худойим!

Тирикчилик - тиррикчилик деб
Билиб-билмай гуноҳга ботдим.
Тақдиримда борини кўрмай
Ўзни минг бир азобга отдим.
Гуноҳқорман, осий банданга
Раҳминг келиб, қўлла, Худойим!

Хиёнатнинг қулидан тутган
Нокасларга хор этма мени.
Моя-дунё деб иймонин сотган
Бахилларга зор этма мени.
Бу беш кунлик ўткинчи дунё,
Дунёга зор этма, Худойим!

Не бўлса ҳам иймон саломат
Вижлонимга содиқ яшайман.
Ҳалол меҳнат, ҳалол ризқ бўлар,
Шундай ҳалол ризқни ошайман.
Икки дунё бўлиб паноҳим,
Ёрлақин, Кодир Худойим!

Тақдир азал тақдиримда бор
Ёзганингга шуқр этарман.
Ўзинг Ҳоким, Мен эса Қулинг,
Ёдда тутиб сажда этарман.
Исломи дини — иймон таянчи
Таянчимни бут қил, Худойим!

1991 йил.

ҚАЛБИМ АРДОҒИ

О, садокат,
Умрим ўтса майли розиман
Сен ҳақингда ғазаллар битиб.
Томчиларнинг қувноқ созиман.
Юрагимнинг қорлари кетиб.

Қалбгинамнинг қорачиғида
Бир қулба бор сенга ағалган.
Юрагимнинг гул япроғида
Ҳеч ерда йўқ ашъор битилган.

Сенга атаб эксам райхонлар
Юрагимнинг қок ўртасига.
Ёрим бўлди шоҳу султонлар
Илдиз отғач бахт ўрдасига.

Нихол эксам кўз қаросига
Мева тугди айтиб номингни.
Дўстга тутдим, қалб ярасига
Малхам бўлди, чизиб расмингни.

Кимки сени сирдош тутолса
Муродига етгай бегумон.
Сенинг учун заққум ютолса
Тилига бол инар ўша он.

2002 йил.

Фарзанд доғин кўрмайин,
яшаб ўтсин дунёда,
Комил ўғил, қиз қилсин,
мартабасин зиёда

Оналарнинг тилаги,
дунёда тинчлик бўлсин,
Тўйлар тўйга уланиб,
диллар шодумон бўлсин.

Аёл зоти хўрланиб,
кўзидан ёш оқмасин.
Кипригига ёш иниб,
алам билан боқмасин.

Қадди долдек букилиб,
ноқасга юкинмасин,
Аёлни ким хўрласа,
унмасин, кўкармасин.

Бешик тутган қўллари,
тилагим: ҳеч толмасин,
Ҳаёт гуллари улар —
бевакт хазон бўлмасин.

1997 йил.



ЎТКИНЧИ БУЛУТ

Ўткинчи булут ўтиб кетади,
Ерга дардини тўкиб кетади.
Она ер вазмин, она ер сокин,
Барча дардларни ютиб кетади.

Булут таркагач қуёш кулади,
Замин бағрида чечак кулади.
Осмон токида заррин камалак
Юз кўрсатар-у, хандон кулади.

Асли бизларни Қодири Худо
Лойдан яратиб, бағишлаган рух.
Ердек вазминлик рухимга асо
Бўлсин, жисмимга бағишлаб шукух.

2002 йил.

ШУКРОНАЛИК

Ун элайди само элаги
Рухим окка эврилар шу чок.
Кўзим кувнар бокқаним сари
Борлик либос кийганда оппок.

Оқ капалак учмоқда ана —
Чапак чалиб қувнар қизларим.
Дилим ширин энтикар яна
Шукрона айтар кўзларим.

2000 йил.

СИНГАН КҮНГИЛ

Хотиранинг хорғин кўчаларида
Хорғин қадам ташлаб боради аёл.
Хижроннинг зим-зиё кечаларида
Айрилиқ сукутда суради хаёл.

Хотиранинг хорғин кўчаларида
Дарбадар кезади маъсума аёл.
Юрагининг муштдек қўлчаларида
Соғинчин авайлаб тутади хаёл.

Соғинчки, кўксида вулқонлар ухлар
Салга сабо елса портлаши тайин.
Дарз кетган кўнгилнинг аксидир улар,
Кўнгилни аслига қайтиши кийин.

Хотиранинг хорғин кўчаларида...

2001 йил.

ОДАТ

Ҳаётга илк бор қўйганда қадам
Йиғлайди гудак.
Ҳаёти тугаб кетар чоғида
Йиғлатар бешак.
Ҳаёт қонуни яралган шундай азалий мерос
Йиғлаб келмоғу, йиғлатиб кетмок
Инсонларга хос.

1993 йил.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Иккимизнинг йўлимиз айро тушди не илож,
Сен ўзингни ҳақ билдинг, мен ўзимча бўлдим ҳақ.
Ўртамизда муҳаббат бузлаб қолди не илож,
Ҳижрон жандасин бизга тортиқ қилди Қодир Ҳақ.

Узун-узун тунларда само сари термулиб
Юлдузлар аро танҳо кезар бўлдинг дарбадар.
Узун-узун қоқилинг тун қўйнида солланиб,
Ойга арғамчи бўлди самодан ерга қадар.

Мен ҳам тунлар фалақдан юпанч изламоқ бўлиб,
Заҳга бағримни бериб ойга бўлдим махлиё.
Етим қолган муҳаббат аро йўлда адашиб,
Иккимизни сўроқлаб тентираб кезар гўё.

Кўк сари боқмоқ нечун, қалбимга боқ, азизам,
Унда севгим барқ уриб гулга бурканган чунон.
Фақат сенга аталмиш кўнгил уйим — қошонам,
Муҳаббатимиз бизга йўлчи юлдуздир, ишон.

2000 йил.



БЕОЗОР ОҒАМ

(Ҳабибулло Аҳмаджонов хотирасига)

Ўзбек тилин мукамал билган,
Миллати-чун жон фидо этган.
Шогирдларга ифтихор бўлган
Ҳабибулло — беозор оғам.

Ҳалол яшаб, ҳалол ризк топган,
Камтарликдан беорлар копган.
Озорлардан озорлар топган,
Ҳабибулло — беозор оғам.

Бугун йўксиз, юракларда ғам,
Сизни ёдлаб кўзимизда нам.
Эзгулик-ла яшаган одам,
Ҳабибулло — беозор оғам.

Асли дунё шундай бевафо,
Ҳалол инсон топмайди вафо.
Аллоҳ ҳакам бергуси даво
Ҳабибулло — беозор оғам.

2002 йил.

СОҒИНЧ

Рухимни тинимсиз ҳижрон эзгилаб,
Кўксимга тинмайин урса хивичлаб,
Шунда ҳам тишимни тишимга босиб
Соғинчни дилимда боргум ховучлаб.

Тунларим йиғласа юпатоламас тонг,
Дил қушим — соғинчим учар сиз томон.
Қабоғимга инса шудринг томчилар
Озор чекманг бундан асло, онажон.

Соғинчим сочқидек сочилиб хар ён
Отамни излайди кўзлари гирён.
Сушлар ютганмиди қадамларини,
Тополмай изларин боқади хайрон.

Фарзандлар — дилбандим, қароғим эрур,
Улар ҳаётимнинг давоми эрур.
Бир лаҳза кўзимдан кетса гар йирок,
Излайман юрагим мен айлаб чирок.

Соғинчлар, соғинчлар дардкаш соғинчлар,
Ботиқий хаёлга йўлдош соғинчлар.
Рухдан айро тушиб ёлғизлатсангиз
Шу лаҳза жон бергум, сизсиз соғинчлар.

2003 йил.

МУАШШАХ

Армонли кунларнинг маржонин тизиб
Бахтиёр кунларни кутиб яшайсан.
Дилгинанг тўрига бахт расмин чизиб
Умидли дунё бу, дея атайсан.
Водариф, доимо умид ушалмас
Оғу бўлиб чиқар бол деб еганинг.
Ҳамиша йўлингга гуллар тўшалмас,
Ишончинг оқламас, дўстим деганинг.
Дилингда эзгулик гуллаб нафармон
Жисми жониң аро нур бўлиб оксин..
Орзуинг ушалиб, қолмасин армон,
Номинг азиз бўлиб, элингга ёксин.

1998 йил.

МУРОДБАХШ МАНЗИЛ

Интизор кўнгиллар ёришиб
Соғинган баҳорлар келади.
Настарин хидига қоришиб
Дил қуши — насмлар елади.

Навбахор шамоли қувончдан
Дилларнинг дарчасин чертади.
Ва шодлик улашиб барчага
Муродбахш манзилга элтади.

2000 йил.

СИНФДОШЛАРИМГА

*(Сузоқ туманидаги Бобур номли гимназия мактабни
1983 йили тамомлаган барча қадрдонларга)*

Соғинч дарчасидан муралайди ой,
Бир ойки, юзида кулади куёш.
Менга сирдош бу кун дардкашим Хумой,
Лекин кўзларимда хасрат тўла ёш.

Сўлғин нигоҳ ташлаб йигирма йилга.
Афтода соғинчнинг кўзлари толди.
Ўн йиллик синфдош, ўқидик бирга
Дилларда ўша дам мангуга қолди.

Хаёлот дарёси ғарк этиб мени
Оғушига чорлар бермайин тиним.
Болалик чоғимиз беғубор эди,
Устоз ўргатгандек олардик таълим.

Дўстлар йўлдош эдик, ҳар ишда ҳамдам,
Хоҳ мактабда бўлсин, хоҳ пахтазорда.
Не топсак ўртада кўрардик бахам,
Капалак қувлардик чаман гулзорда.

Улғайдик, болалик дамлардан кечдик,
Барчамиз қуш каби ҳар ёққа учдик.
Фақат хотирада ширин туш бўлиб
Узун тунлар дийдор шаробин ичдик.

Қайларда юрибсиз, азиз синфдош...

2003 йил.

ДУРДОНА

Эй жонона, жонона, кулишларинг мастона,
Ишқингда ёна-ёна, элга бўлдим афсона.
Севгимни айлаб достон, бу кун бўлдим девона
Танҳо сени дегайман, унутмагин Дурдона.

Кучамиздан ўтасан менга қилмай назора,
Севгимни баён этсам боқдинг кулиб хайрона.
Ўзга севганинг борми, айтгил менга эй, ёра
Фақат сени севгайман, унутмагин, Дурдона.

Сенга ошиқлигимни элга қилиб овоза,
Хар дам ёнингда ўзим бўлай сенга парвона.
Иккимизни олқишлаб кулсин бизга икбола,
Сени дегайман токи ўлгунимча, Дурдона.

Дурдона,
бирдона,
ягона ёримсан ўзинг...

2002 йил.

ҚИШЛОҚҚА МАКТУБ

Ғамбода шамоллар юзларим силаб
Мажнунтол сочларим охиста ўрар.
Оймомо юрагим минг тилим қилиб
Дилим осмонига осиблар қўяр.

Ғазабнок чакмоқлар қиличин қайраб,
Самонинг бағрини иккига бўлар.
Ғийбатчи ғанимдек юрагим қийнаб
Кўксимни кип-қизил қонларга бўяр.

Гулдирак илдам аравасин судраб
Қулоғим остида ноғора чалар.
Кетидан булутлар кўз ёш окизиб.
Қалбим қароғида гулзор ундирар.

Гулзорда гуллардан саралаб даста
Номалар битурман гулбаргга аста.
Қалбим торларини чертиб охиста
Унга шодлик, армон бўлди вобаста.

Номалар, ой бориб, саломат қайтинг.
Болалик йилларим ўтган қишлоққа.
Қадрдон дўстларга саломлар айтинг
Юрагим қолдириб қайтинг биз ёққа.

2001 йил.

ИШОНЧ

Армондан гулдаста тутганда хижрон,
Юрагим тубига алам чўкади.
Осмон ҳам тундлашиб олади шу он,
Дилим изтироби унга кўчади.

Дилим ҳам, осмон ҳам булар зимзиё,
Унда кўринмайди йилт этган зиё.
Ҳасратим сиғмайди, армонли дунё,
Бевафо ёр қилди жонимга жафо.

“Мен уни севгандим илк баҳор кунда,
У мени ташлади бўронда, қорда”.
Васлига бўлиб зор бедорман тунда
Ўзим ҳар ердаяман, хаёлим ёрда.

Муҳаббат йўлимни ёритар ҳамон,
Унга жоним садқа, бўлайин қурбон.
Оху нолаларим ёрга етган он,
Ишонгум, садоқатим қозонади шон.

1999 йил.

МАЛҲАМИМ – ОНАМ

Агар ҳаёт алдаса сени
Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.
Ғамгин кунга қилгин итоат,
Хушнуд кунлар келади, ишон.

А.С. Пушкин

Хушнуд кунлар келишин кутиб
Умрим топиб бормокда якун.
Изтиробли дардларни ютиб,
Бардошларим тугайди бир кун.

Юрак пора, кўнгли яралар,
Бунда чора ахтариб ҳалак.
Яхшиларни ўлим саралар,
Ёмонларни сийлагай фалак.

Ғам бодасин сипқориб юрак,
Андухлардан маст бўлар тилак.
Ғамгин кунга қилиб итоат,
Орзулардан сўз очмас бўлак.

Орзуларнинг рўёби балки
Етти осмон устида турар.
Фаришталар ҳаловат билмай
Ухламасдан кўриклаб юрар.

Замин эса-шайтонга макон,
Хакикатнинг йўлини тўсади.
Шайтонсифат кимсалар ҳар он
Пок виждонга оғу тутади.

Хакикатнинг уйи вайрона
Изтиробда бу жон озорда.
Кўнгил ярим, юрак ғамхона
Кўксингизга яширинг, она.

Тўйиб, тўйиб йиғлайин майли,
Бошим силаб овутинг яна.
Сизнинг қайноқ меҳрингиз тафти
Дардларимга малхамдир она.

1995 йил.



ОРОЛИМ

Сир, Амуга сирдош бўлган Оролим,
Эзгуликка одош бўлган Оролим.
Нокасларга талаш бўлган Оролим,
Дардларингга дармон бўлай, Оролим.

Осиёнинг кўрки эдинг, Оролим,
Энди эса ғамга тўлдинг, Оролим.
Бу не қисмат экан билмам, Оролим,
Дардларингга дармон бўлай, Оролим.

Инсоният бахти эдинг билмадик,
Билиб турсак ҳамки назар қилмадик.
Ғанимларинг сувинг тўсди, сезмадик
Дардларингга дармон бўлай, Оролим.

Оролгинам, десам сувинг тўлгайму,
Тўлиб-тўлиб ўз ҳолига келгайму,
Қирғоғингда жайронлар ўйнагайму,
Дардларингга дармон бўлай, Оролим.

Ёмонларга инсоф берсин Аллоҳим,
Яхшиларга тўзим берсин Аллоҳим.
Сувларингни бисёр берсин Аллоҳим,
Дардларингга дармон бўлсин Аллоҳим.

Оролгинам, сувинг тўлсин илоҳим,
Ўз ҳолингга яна қайтгин, Оролим.

1995 йил.

ЛОЛА САЙЛИ

Баҳорга зеб беради
Адирдаги кизғалдок.
Кулоғига такади
Қип-кизил ёкут болдок.

Эгнида яшил нимча,
Бошида алвон дурра.
Хиёл эгилиб аста,
Товланар қирмиз лола.

Чиккан лола сайлига
Гулчехраю Гуллола,
Тушган ишқнинг майлига
Ун етти ёш, киз бола.

Висол онлари ширин
Уялади қиз бола.
Икки дилда яширин,
Сирни очар шабода.

Ишқ бодасин сипқориб,
Кўнгиллар яйрар шодон.
Висол онларин кўриб
Лола ҳам килар хандон.

Севган кўнгиллар яйраб,
Ўтсин баҳордай яшнаб.
Тилагим, хижрон ғашлаб
Кетмасин соя ташлаб.

1993 йил.

ЖАСОРАТ

Қўзингга дунёлар қорайиб кетар
Қорайиб кўринар хаттоки қуёш.
Осмон ҳам қон қусиб ҳолингга қулар
Вужудинг муз қоплаб, йўқолар бардош.

Қорайиб очилмиш оппоқ атиргул
Илк севги бодаси зардобдан тахир.
Берух санғиб юрар, сарсона қўнгил,
Олислаб бормокда муҳаббат сағир.

Юрагинг нимталаб кетди ағёрлар
Тунда юлдузлар жим айтди афсона.
Сукунатни бузиб учди ёр-ёрлар
Севган ёринг бу кун бўлди бегона.

Сен шундай йўл тутки, ғанимлар куйиб
Оташда қовурилиб, кул бўлсин буткул.
Ёрингга бахт-иқбол тилагин кулиб
Пойандоз қилиб соч оппоқ атиргул.

1999 йил.

ИЗЛАРМАН

Кунглим мени панох излар,
мухаббатнинг касридан,
Дилимда ишқ ути ёнар,
ул каро кўз сеҳридан.
Каро кўзнинг сеҳрими, ё
меҳри тушди дилимга
Номин такрор этиб дилда
муҳрадим тилимга.
Не қилайки, иложим йўқ
севги изҳор этгани,
Висол умиди йўл бермас
ёрдан олис кетгани.
Чорасизман, илож топмай
ишқ утида ёнаман,
Севги саҳросида сарсон
нотавон девонаман.
Девоналик жондан ўтди,
ёрга етмас охларим,
Охларим осмон қадар
оламини тутди зорларим.
Ишқингда ёр, куйиб телба
Мажнун бўлсам нетарман,
Чин дунёда васлинг насиб
бўлсин дея утарман.
Раънохон вафо ахтариб
ёрни излаб ёнаман,
Ишқ йулида бўлиб сарсон
то хануз оввораман.

1992 йил.

ЙИҒЛАМА, СИНГЛИМ

“...Қўй, йиғлама ул бевафога,
Садқаи кўз ёшларинг кетсин...”

Уйғун.

Сой буйида ўтирганча жим
Не ҳақда ўй сурасан синглим.
Хаёлларинг ўғирлаган ким
Кўзларингда қатра ёш, синглим.

Сой буйида аста мажнунтол
Сочларингни силаб овулар.
Дардларингга малҳамдек ҳилол
“Кела қол” деб қўлларинг тутар.

...Бевафонинг ёлғон сўзлари
Содда қалбинг этибди асир.
Чин бўлганда агар сўзлари
Қалб тўрида тутар эди сир.

Қучоғига олгач мажнунтол
Бахт ҳақида сургандинг хаёл.
Висол онин гувоҳи ҳилол
Афсоналар тўкиган хушхол.

Энди эса ғариб, нотавон
Сой, буйидан излайсан таскин.
Бевафони қийнамас виждон
Бир кун ишон, топасан бахтинг.

Таъзим этиб буюк вафога
Вафолилар қадрингга етсин.
“Қўй, йиғлама ул бевафога
Садқаи кўз ёшларинг кетсин...”

1991 йил.

ИШОНЧ

Тунлари уйқум кочар
Хаёлим олиб кочар.
Айтилмаган ҳақ сўзлар
Пармадек бўғзим уяр.

Тунлари уйқум кочар
Ҳасратим дардин очар.
Бўғзимда қолган сўзлар
Кузимда дарё бўлар.

Тунлари уйқум кочар
Юрак бағрим ўртанар.
Халқим қалбига шайтон
Қуриб олди уялар.

Тунлари уйқум кочар
Армондан қўнглим озар.
Қўп ҳаётдан умидлар
Орзулар япроқ ёзар.

1998 йил.

ТОЖМАҲАЛ

Неча аср ўтса ҳамки сир
Бўлиб турар кўхна Тожмаҳал.
Неча хонлар ўтдики, қаср
Садоқатнинг рамзи ҳар маҳал.

Темурийлар наслидан бўлган
Саховатли Хуррамшоҳ Мирзо.
Гўзал Мумтозбегимга бўлган
Садоқатга қурдирган бино.

Севган диллар ардоқлаб уни
Сақлаб келди асрлар оша.
Ёв лашкари енголмас уни
Бўй кўрсатиб турса ҳам ёна.

Кундуз қуёш шуъласи аро
Товланади гўзал, фусункор.
Тунда ойнинг ёғдуси аро
Жилваналар ажиб, мафтункор.

Севишганлар бунда бўлиб жам
Садоқатга сажда этарлар.
Муҳаббатин пок сакласа ким
Муродига албат етарлар.

Тавоф этиб аҳли Ҳиндистон
Тожмаҳалга ўқирлар таҳсин.
Буюк Темур насли Шохжаҳон
Шунинг ўзи кўнглимга таскин.

2003 йил.

ЁРГА МАКТУБ

Хумо куши, бахт куши
Кошимга тезроқ келгин.
Канотингга хат битай
Ёримга олиб учгин.

Ишқим қўшиб битилган
Мактубимни ёр олсин.
Ҳар сатрига қалб қўрим
Жо этганим англасин.

Хумо куши, бахт куши
Ёв йўлингни тўсмасин.
Мактубга жавоб олиб
Ҳузуримга тез қайтгин.

1988 йил.



РУБОЙЛАР



Инсон дарахт бўлса, фарзанд меваси,
Мевали дарахтга тош отилади.
Мевасиз дарахт-чи, бундан Мосуво
Кун ўтиб ўчокка ўтин бўлади.

* * *

Ёлғиз отнинг чанги чикмас,
Чикса ҳамки донғи чикмас.
Бу нақлга амал қилсанг
Ранги рўйинг сомон бўлмас.

* * *

Кўзлар кўнгил тилмочи эрур,
Унутайлик бирор сония.
Юрак сирин англамоқ учун
Кўзларига бокмок кифоя.

* * *

Кўзларингда ўт кўрдим сени,
Муҳаббатнинг ёлкинидир у.
Ўша олов ёндириб мени
Кул қилса-да розиман мангу.

* * *

Ҳаёт деб аталмиш бу кўхна бозор,
Неларни кўрмади, бўлмади гувоҳ.
Нодонлар айш сурди, донолари зор,
Ҳақиқат изладик; топмадик, эвоҳ.

* * *

Осмон йирок, ер - қаттик,
Кочиб қайга борамиз.
Пешонада неки бор
Шунга шукр қиламиз.

* * *

Чин севгининг асири бўлиб
Яшай билсанг, шунинг ўзи бахт.
Севган ёринг хиёнат қилса
Ёғилади бошингга кулфат.

* * *

Юрагимда севги йўқ асли,
Нетай, мени қийнама, дўстим.
Бошим олиб қайларга кетай,
Тошга урсам ёрилгай бошим.

* * *

Кўнглим, катта карвон бўл,
Олдга интил беқўним.
Парво қилма итларга,
Хураверар бетиним.

* * *

Ёлғиз ўтин ёнмайин
Чиқарар аччиқ тутун.
Бўлса агар чин дўстинг,
Бўларкан бағринг бутун.

* * *

Қалбим тоғларда қолди,
Кўзим йўлингда толди.
Зор этмагин, нигорим
Дилим хажрингда ёнди.

* * *

Шеър ишкида ўртаниб, ёниб,
Хаёлларим бўлар паришон.
Сен бўлсанг-чи, илхом париси
Туткич бермай қочасан ҳар ён.

* * *

Асли бу дунёнинг бири кам экан,
Яхшига кун йўғу, ёмонга ўлим.
Водариг, хаттоки ахли донишлар
Бу жумбоқ олдида қоладилар жим.

* * *

Сўнгги йўл ҳақида кўп ўйланаман:
Жаҳаннам ёки жаннат борар жойим.
То тирикман, ҳақиқат деб ёнаман,
Мушқулим осон эт, Парвардигорим.

* * *

Ота дийдорига қонмаган бу жон,
Ўзи ота бўлиб отасин қўмсар.
Умр қиска, бироқ бут бўлса иймон
Насиб бўлар дийдор майдони машҳар.

* * *

Бу дунё кенг бозордир, чиндан ҳам бозор экан,
Харидор, сотувчи ким, англамоқ душвор экан.
Ҳар ким ўз молин мақтар, ёмонлағувчи йўқдир
Шу боис ҳақиқатни изламоқ бекор экан.



ҚАТРАЛАР



Умид япроқлари

Атрофга бир назар ташланг. Борлиқ салобатли куз кўйнида хорғин кўринади. Кечагина ям-яшил либос кийган дов-дарахтлар заъфарон тусга бўялган. Ажаб, табиатнинг мўъжизаси олдида тиллар безабон...

Шаҳарнинг йўл четларидаги улкан дарахтлар остидан бир-бир кадам ташлаб бораркансиз оёғингиз остидаги маҳзун япроқлар ўзларича нелардандир сўзлайди. Сиз унга парво қилмайсиз. Уларни босиб, янчиб кетаверасиз. Айрим одамлар қанорларни тўлатиб хазонларни йиғиштирадилар. Шўх-шодон талабалар кўлларида сурпури тутганларича хашарга чиқиб, йўлакларга пойандоз сингари тўшалган хазонларни тўплайдилар. Шилдиршилдир қилган хазонлар тилини ҳеч ким тушунмайди. Дафъатан ҳаёлимга севимли рус шоири А. С. Пушкин ҳам нима учун бу фаслни севган, деган савол келади. Шоир кузнинг салобатини севганми, ёки мусаффо осмониними, ё борлиқнинг олтиндек сап-сарик тусга кириб товланганини? Булар ҳам сир, жумбоқ...

Дераза ортидан кўриниб турган дарахтларга бокиб мисралар тизилиб ҳаёлимга кела бошлайди. Кўлимга қоғоз олиб уни қоралай бошлайман.

Ё раб, не бахтки, яна бир шеър дунёга келди:

*Оёқлар остида маҳзун япроқлар,
Ётишиб аламли зардоб ютади.
Кўлларин самога чўзиб дарахтлар,
Аллоҳдан ёлбориб нажот кутади.*

*Уларга қарайман юракда исён,
Кўтариб қаърида чақади чақин.
Умидлар кўз очиб уради туғён,
Баралла ҳайқиреум кўк - л а м - д и р я - қ и н . . .*

Қор – поклик тимсоли

Борлиққа оппоқ пойандоз тушаб қор ёғмоқда. Тева-
рак-атроф окликка, покликка беланган. Бир зумгина дунё
ташвишларини унутиб қорнинг ўйноқлаб, учиб ерга
тушишини кузатинг. Қордан оппоқ либос кийган дов-
дарахтларни томоша килинг. Рухингиз тетиклашиб, фик-
рингиз тиниклашади. Беихтиёр кўнглингиз равшан тор-
тиб, чехрангиз очилади. Яхшиси, кўчаларни тўлдириб,
завқ билан яхмалак учаётган, чана тортган болакайлар-
нинг ўйинларини кузатинг. Ана, болакайларнинг шод-
ликларидан дилингиз яйраб, беғубор болалик дамларин-
гиз ёдингизга тушди. Ширин энтикиб юзингизда табас-
сум, лабингизда кулгу жилваланди.

Қорнинг оклиги, поклиги қалбларга кўчди. Бу оклик,
поклик эзгулик нишонасидир. Қани шу сониялар ман-
гулик бўлса. Доимо биз, инсонлар бу дунёга меҳмон экан-
лигимизни унутмаган ҳолда бир-биримизга фақат ях-
шилиқни раво кўрсак. Чиркин одатга айланиб қолган
молпарастлик, димоғдорлик, порахўрлик, худбинлик,
ғаламислик, пасткашлик, қўйингки, барча иллатлар шу
оклик, поклик қаърига сингиб, йўқ бўлиб кетса. Барча
кекса-ю ёшнинг кўнгли покликка эврилиб, кўнгиллар
тилмочи кўзлар болакайларникидек маъсум бўлса. Бирок
қалблар музлигидан Аллоҳ ўзи асрасин.

*Кўклам ҳақда тўқиб ғазаллар,
Новдаларни аллалар бўрон.
Сукунатга чўмган далалар,
Қиш эртагин тинглайди бу он.*

*Осмондан оқ капалак мисол,
Ўйнаб, учиб тушар оппоқ қор.
Пок ният-ла кўришиб висол,
Қиш қўйнида ухлайди баҳор.*

Умр фасллари

Кеч куз. Изғирин шамол дарахтлардаги энг сўнги япроқларни бир-бир узиб чирпирак қилиб ўйнайди. Япроқлар шамолда уча-уча ерга тушади. Осмонда увада-увада қора булутлар хализамон ёмғир ёғишидан оғохлантираётгандек тобора қуюқлашиб боради.

Кўпқаватли уйларнинг бирида, аниқроғи айвончасида бир аёл ўтиради. У ҳозир ҳам оромкурсиди ўтириб, қўлидаги таёққа суянганича ҳаёл суради. Тунд куз хавоси сабабми онахоннинг юзлари ҳорғин, мунғайиб тургандек гўё. Шу пайт ичкаридан бир-бирини қувалаб икки болақай чиқиб, бувисининг атрофида парвона бўла бошладилар. Аёлнинг бундан қайфияти кўтарилиб, юзига табассум ёйилди. Чеваралари айвон четидаги темир тўсинга осилганча шамолда узилиб тушаётган япроқларнинг рақсини завқ билан томоша қиладилар. Улар аёлни саволга тутар, алланималар деб гапириб, шодон кулардилар. Аёл бир табиат ўйинига, бир болақайларга қараб тураркан, ҳаёли уни олис ёшлик йилларига етаклади. Умр баҳорининг бетакрор беғубор, шўх-шаън дамлари қалбига илиқлик солди.

Эсида, бир вақтлар у ҳам худди мана шу чеваралари сингари бола эди. Пастак томли уйлари бўларди. Ҳар баҳор лой сувокли том устини алвон лолақизғалдоқлар безарди. Ҳовлиларида мевали дарахтлар кўп эди. Бу ер айниқса баҳорда ўзгача чирой касб этарди. Бирин-кетин гулга кирган ўриклар, олмалару гилосларнинг гулбаргларига маҳлиё бўларди. Дугоналари билан анҳор бўйларидан ялпиз, тепалик ёнбағирларидан бойчечак териб кун кеч бўлганини сезмай қолар, қачонки, онажониси чақирганда хуши ўзига келарди. Уйида унга лойик юмушлар борлиги ёдига тушиб чопкиллаб келарди. Онасидан гоҳ танбех эшитса, гоҳо “насиба”сини оларди. Келгуси сафар барча нарса унут бўлиб, дугоналари даврасида қувнаб-яйрарди.

Ҳозир элас-элас эслаётган ана шу бетакрор умр баҳори, сўнгра ёзлари шундай шиддат билан ўтдики, кўз

очиб юмгунча хаётининг кузлари бошланди. Аёлга хаётининг кузи нисбатан эрта бошланганлиги алам қилади. Мудхиш уруш шарпаси барча хонадонларга қайғу соясини солиб кетди. Урушнинг дастлабки кунлариданок умр йўлдоши, ака-укаси жангга жўнадилар. Отаси меҳнат армиясига чакирилди.

Уй-рўзғор ташвишлари, даладаги оғир юмушлар, фарзандлар тарбияси, жанггоҳлардан хат-хабар кутиш, қахатчилик... эҳе, буларнинг барча-барчаси аёлнинг сабрини синовдан ўтказди. Отаси шахтада кўмир қазийётган пайтда бахтсиз тасодиф туфайли оламдан ўтди. Ака-укасидан “қора хат” келди. Умр йўлдошининг эса бедарак йўқолганлиги хақида хабар олди. Очарчилик туфайли кенжатой икки ўғлини ерга топширди. Онасининг қайғу-хасратларига шерик бўлди. Фарзанд доғи қаддини букди. Биргина қизи билан қолган аёл айрилиқдан куйиб, ўртанди. Беҳаловат тунларни тонгга улади.

Кизини узатди, набирали, чеварали бўлди. Умр экан, қизи ҳам омонатини ундан олдин топширди.

Мунғайиб қолган аёлни набиралари тез-тез уйларига олиб кетади. Мана, ҳозир ҳам кўпқаватли уйда чеваралари қуршовида ўтираркан, ненидир илҳақ кутади... Унинг назарида умр дафтарининг санокли саҳифалари қолгандек туюлди-ю, сесканиб кетди. Кун келиб қисмат шамоли умр япроғини чирт узиб, узлат томон улоқтиришини юракдан ҳис этарди.

Аёл шуларни ўйларкан, “мен ўлсам ер тўярдим, мана бу қақажонларимнинг тўйларида бош бўлишлик насиб этсин», дея шивирлади. Унинг сўзларини маъқуллагандек булутлар орасидан қуёш кулиб бокди.

Бой берилган муҳаббат

Жажжи кизалок эртақ эшитишни жуда севарди. Она-жониси уни ҳар оқшом узоқ-узоқ эртақлар айтиб ухлатар, кизча шу кўйи хиссиётлар гирдобиди эртақларга ишониб вояга ета бошлади. Мурғак қалб эртақлардаги баҳодирлару, хурлико париларга ҳавас, ёвуз кучларга нафрат туйғулари ила боқар, шундай бўлса-да, эртақлар таъсирида ўта меҳрибон, ишонувчан ва кўнгли юмшоқ ўсарди. Ёш юракни Фарҳоду Ширин, Лайли ва Мажнун, Тохир ва Зухро, Ёзи билан Зебо, Орзижон ва Қамбаржонларнинг соф муҳаббатлари асир этган, йиллар ўтгани сари ўзи ҳам шундай муҳаббатга мубтало бўлиш орзусида яшарди. Аммо...

Ҳаёт бошқа-ю, эртақ бошқа экан. Бу ҳақиқатни англаб етгунча қизнинг ёши бир жойга бориб қолди. Тўғри, унга оғиз солганлару, остонасини хатлаб келин қилишни ният қилиб келган совчилар кўп бўлди. Қиз эса парвои фалак, у фақат эртақлардагидек илохий ва қудратли муҳаббат оташига дучор бўлишни, қачонлардир ўзи орзу этган мард ва жасур баҳодир йигитни учратишни, биргина нигоҳ уларни мангуга ишқ ришталарини боғлашини ҳаёл қилиб ўша бахтиёр онларни кутар эди.

Вақт эса оқар дарёдек ўтиб борар, у кутган илохий ёрдан дарак йўқ...

*“Кутдим, кутдим, келмадинг
Кутганимни билмадинг.
Эртақларим тугади
Номардим-а, келмадинг”.*

Киз ҳаёлидаги севгилисини, юрагидаги муҳаббат ота-шини мўйқалам ёрдамида қоғозга туширар, дилбар ғазаллар битиб бироз бўлса-да кўнглига таскин берарди. Она-изори кизининг бахтли бўлишини ўйлаб ўз эгасига топширишини, неварали бўлиш ниятини изҳор этганда кизнинг фиғони кўкка чиқар ва унинг бу қадар ўжарлигидан мум тишлаб, изтироб чекарди. Тунлари беҳосдан

уйғониб кетган чоғлари онанинг унга Аллоҳдан бахт тилаётганини кўп марта эшитган. Қиз эса бепарво...

Бора-бора атрофдагиларнинг унга гоҳ эшиттириб, гоҳ пинҳона таъна-дашном қилаётганликлари қулоғига ча-линадиган бўлиб қолди. Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари кизнинг кўзини очди. Ҳаёт эртақ эмас экан. Қиздаги бор ғурур йигитларда ҳам бор.

Энди у келмайди. Барча-барчаси ғурурга бой берилди. Ахир ўша эшитиб, уларнинг таъсирида камол топган достону эртақлар одамларнинг азалий ушалмайдиган орзу-умидлари эканлигини жуда кеч англади. Ғурурга бой берилган муҳаббати қошида гунохкордек бош эгади, яна қайтиб келармикан?! Ишқ оташида ковурияган юрак-дан шеър отилиб чиқади:

*Ёлвораман, жоним ортга қайт,
Сен-ку менинг суянган тоғим.
Дил сўзларинг такрор-такрор айт
Ишон, сенсан менинг паноҳим.*

Ёлғончи дунё

Катта санъат саройи. Сахнада хонандалар. Улар ораси-да ногаҳон севимли хонандам Охунжон Мадалиевга кўзим тушди-ю, қувониб кетдим. Қувончдан хайқиргим келди. Концерт бошлангунча уни суҳбатга чорласам-чи? Бу фикр ҳаёлимдан чақмоқ янглиғ утди-ю, у томонга интилдим. У газетага мақола ёзишимга очик чехра билан рози бўлганда, қувончдан қуш каби парвоз қилгим келди. Суҳбатимиз кўшиқларга шеър танлаш мавзусига кўчган-да у хоҳ фалсафий, хоҳ муҳаббат бобида бўлсин, шеър-нинг биринчи галда мазмунига эътибор беришини айтди.

— Эҳ, — дейман афсусланиб, — шеърый тўпламим чоп этилса сизга жўнатаман деб юардим. Ниятим рўёбга чиқ-мади...

— Биронтасини ўқиб беринг-чи, — дейди у майинлик

билан. Унинг илтимосига кўра “Шам” деган шеъримни ўқий бошламан:

*Ёлғончи дунёнинг ёлғонларидан
Тўйиб кетдим бу кун, қолмади тоқат.
Омонлик тиладим ул ёғийлардан,
Замину фалакдан топмайин нажот.*

*Бунда барча олар шайтон сабоғин,
Кўзин кўзга қадаб ёлғон сўзлайди.
Бир-бирин остига зимдан сув қўйиб,
Юқори мартаба, обрў кўзлайди.*

*Биронта холис дўст топмадим, эвоҳ,
Ишонган кимсалар бўлиб чиқар'ёв.
Тилка-пора қилиб қора қузғунлар,
Юрагим ўйдилар топтаб беаёв.*

*Оҳ, қандай оғир дард, йўқдир давоси.
Кўзларим қаърига сингиб боради.
Чорасин топмадим, йўқ ниҳояси,
Ҳасратда руҳим-ей сўниб боради.*

*Ёлғончи дунёнинг ёлғонларидан.
Тўйиб кетдим бу кун, қолмади тоқат.*

У оғир хўрсиниб “яхши, яхши” деб қўйди-ю, бироз сукутга чўмгач: — Ҳаётда шундай кимсалар ҳам кўпки, улар шайтондан эмас, шайтон улардан сабоқ олади, — деди. У сўзида давом этди: — Тўғри ёзибсиз, чиндан ҳам бу дунё ёлғончи, ҳеч кимга вафо қилмаган, қилмайди ҳам. Биз, инсонлардан қоладигани яхши ному, яхши амалларимиз ҳамда комил фарзандларимиз. Китобингиз чиққанми?

— Ун йилдан буён китоб чиқариш ушалмаётган орзу мен учун.

Шунда у чўнтагини ковлаб, бир даста пул чиқариб узатди.

— Қўйсангиз-чи, — деб оркага тисарилдим.

У мийиғида кулиб: — Сизга хомийлик киламан, — дея пулларни сумкамга солиб қўйди.

Ҳайрат, ҳаяжон билан унга миннатдорчилик билди-
рарканман, пулларни ушлаб кўраман. Ажабо, юз дол-
ларликлар. Юрагимни ваҳима қоплайди, буни қайтариш-
чи? Уни Тошкентдан излайманми ёки Олтиариқдан?

У юрагимдагини уқиб олаётгандек, “хижолат бўлманг
мендан сизга сийлов”, дейди кулимсираб. Шу лахза ёни-
миздан сураткаш ўтиб қолади. Эсдаликка суратга тушиб
беринг, дейман. “Майли, ҳар доим фарзандларимнинг
суратини олиб юраман”. Тўрт болакайнинг портретини
ёнига қўйгач, суратга тушмоқчи бўламиз. Сураткаш
объективни тўғрилайди. Ундан шу қадар ёрқин нур та-
раладики, кўзларим қамашади. Нур билан отилиб чиқ-
қан қандайдар кучли зарба мени улоқтириб ташлайди.
Уйғониб кетсам, тушим...

Аламдан, изтиробдан ихрайман. Ахир Охун оламдан
ўтган-ку! У билан бўлган қувноқ учрашув маҳзун айри-
лик билан якун топса-я! Бу нарса кишига алам қилар-
кан. У ўзбекларнинг чинакам булбули эди. Ундан хотира
бўлиб юракларни ўртовчи қўшиқлар қолди, холос. Унга
ҳаётлик чоғида ҳам, ҳозир ҳам таклид қилиб куйловчи
санъаткорлар бисёр. Бирок, у битта эди. У ноёб истеъдод
соҳиби эди. Бундай инсонлар дунёга камдан-кам келади.
Келади-ю, чакмоқ янглиғ ярқ этиб дарров кўзга кўри-
нади. Аммо уларнинг умри ҳам чакмоқ сингари қисқа
бўларкан. Охунжон Мадалиев ҳам қисқа умр кўрди, ле-
кин мухлислари дилини куйдириб кетди. Унинг қўшиқ-
лари юракдан чиқарди, тингловчининг юрагига мангу
муҳрланарди. Унга атаб ёзган шеърим лабимдан учади:

*Ёлғончи дунёнинг ёлғонларидан
Тўйиб кетдим, бу кун қолмади тоқат.*

Охунжон, Оллоҳнинг шундай муборак кунлари бежиз
тушимга кирмагандирсиз: ётган ерингиз нурларга тўлсин,
охиратингиз обод бўлсин. Сиздан ёдгор қолган қўшиқ-
ларингиз яна узоқ вақт қалбларга ором бағишласин.
Фарзандларингиз униб-ўсиб изингиздан борсинлар.
Ўликнинг нарса бериши яхшиликдан далолатдир.

Устоз билан суҳбат

Устозларни кадрлаш, уларга ҳурмат бажо келтириш ота-боболаримиздан қолган удумдир. Зеро “устоз отангдек улуғ”, деб бежиз айтилмаган. Журналистикани альпинистлар ва археологлар иши билан тенглаштиришса, шу касбнинг нонини емай туриб бу гапга унчалик тушуниб етмасдим. Мана, шу соҳада 13 йил меҳнат қилиб, бу сўз не чоғлик ҳақиқат эканлигини англаб етдим.

Йил яқунланиб, янги йилга янги режалар тузилар экан, мен ҳам ўтган умримга назар ташлайман. Журналист бўлиб ўз ўрнимни топишимда “Жалолобод тонги” газетаси меҳнат жамоасининг роли бекиёсдир. Айниқса, бош муҳарриримиз Ботиржон Ғозибоевнинг ўта талабчанлиги ўз устимда тинмай ишлашимга сабаб бўлди. Қолаверса, масъул котиб Иномжон Баҳриддинов, мухбирлардан Мўйдинжон Абдумажидов, Тохиржон Хайруллаев, Чирмашбой Тошбоев, марҳум домлалар, Ўсканбой Матқосимов, Усмонжон Рожиддинов, Ҳабибулло Аҳмаджоновларнинг ижод маҳсуллари мен учун сабоқ бўлди. Уларни ўз устозларим дейишга ҳақлиман.

Улар орасида менинг алоҳида меҳримни қозонган азиз, ота қаби меҳрибон зот Ўсканбой ҳожи Матқосимов эди. Унинг дилкашлиги, самимийлиги, ҳозиржавоблиги, одамлар билан мулоқот қилиб ўтириб ҳам берилган топшириқни қойиллатиб равон ёзиши мени ҳайратга соларди. Ёзганларини қайта кўчириб чиқишга ҳожат бўлмас эди. Унинг бу одатини ҳавас билан оила даврасида ўтирганда ёдга олсам, онам чинданми ёки ҳазил қилибми: “Қизим, домланг ош еганда олдига тўкилган увокдан ирим қилиб, 2-3 дона оғзингга солиб қўй. Шунда сен ҳам у кишининг даражасига етасан”, дегандилар. Ўшанда онамнинг айтганларига тушунмаган эканман. Энди билсам, устозингга чин дилдан ихлос қўйиб, қилаётган ишларини ўрганиб олсанг унинг даражасига етасан, деган экан. Ўша вақтлар мен ғофиллик қилиб, устозлар кадрига етмабман. Инсон умри ўлчовли эканлиги, таъ-

тилдан қайтгач хожи домлани бошқа кўрмаслигим хаёлимга ҳам келмаган экан. Ишга қайтганимда домланинг оламдан ўтганини эшитиб, кулоқларимга ишонмадим. Ҳар гал редакцияга келганимда, унинг ўрни билинади. Бирга ишлаган кезларимизни эслайман. Домла чой ичишни хуш кўрарди. “Қизим, аччиқ чой ичмайликми”, дерди. Унинг одатини билиб, тез-тез чой кўярдим. Ҳозир хаёт бўлганда жон-жон дея аччиқ чой дамлаб бериб турардим. Афсус...

Одам кадри оламдан ўтгач билинаркан. Устозимни оламдан ўтганини эшитганимдан буён ана-мана деб халигача хонадонларига фотиҳа ўқигани боролмаганимга уяламан. Уялишга яна сабаб шуки, домланинг тушимда: “Мен керак бўлсам, йўқлаб туринглар” деган сўзи бўлди.

Куни-кеча Ўсканбой хожи ака тушимга кирибди. Эгнида умрининг сўнгги йили олган драп пальтоси, бошида мўйнали телпак. Редакция биносига кираверишда мени карши олармиш. Унинг салобатли нигоҳларига дош беролмай, ийманибгина ҳол-аҳвол сўрайман.

-Ҳар ҳафта жума намозини ўқигани Жалолободга келиб тураман,- дейди.

-Нега унда редакцияга кирмайсиз?

-У ерда қиладиган ишим қолмади. Мана буларни сизга топшираман, деб намозга кечикай дедим,-деб қўлидаги қоғозларни менга узатади. Ўзи эса “Таҳоратим бўлсаям, узок йўл юриб келдим, оёғимга масх тортиб олай”, дея водопровод суви томон йўналди. Қўлларини чайиб, тўрт бармоғи билан оёқларидаги калишни ечиб, махсиси устидан масх тортгач, қўлини ювиб бармоқ учларини оғзига теккизди. Домла шошилиб турса ҳам оилавий аҳволим билан кизикди:

- Дехқончилик қалай бўлди бу йил?

- Ёмон,- дейман,- очиги, ярим гектар еримиз йўл йўқлигидан экин экилмай қолиб кетди. Ижара ҳақининг ярмини эса тўлаганмиз.

-Нима учун?

-Қишлоқ ҳокимияти 7-8 йилдан буён йўл чиқариб

бермайди. Экин экишда бир, ҳосилни йиғиштиришда яна бир қийналамиз. Ёзган аризаларимиз эса ҳокимларнинг папкасида йўқолиб кетади.

-Э-э, шуни эпполмасангиз қанақа журналистсиз-а? Ҳақиқат қарор топиши учун аввало ўзингизнинг ҳақ-ҳуқуқларингизни талаб қилинг, кейин бошқалар учун кайғуринг.

-Хўп, домла. Айтганча, сизлар ҳам деҳқончиликни кўп қилар эдинглар, ҳосилдорлик яхши бўлдими?

-Болаларим шуғулланишади. Бу йил пахта экишди.

-Пахтанинг нархи яхши бўлди бу йил, суюндингларми?

-Бошқаларни билмадим, мен суюнмадим. У биров сукут қилгач, кўшиб қўйди, пахтанинг нарҳини яна 2 баробар оширсаям, деҳқоннинг косаси оқариши қийин.

У шундай деди-ю, кетишга ҳозирланди. “Манавуларингиз қоляпти” деб қўлимдаги қоғозлар тахламини унга узатаман. Домла қўл силтаб: “Сизга ишониб топширяпман, йўқотманг”, деди ва шахдам қадамлар билан темир йўл вокзали томон юриб кетди. Орқасидан: “Ичкарига кирсангиз яхши бўларди, бир пиёла чой ичиб кетардингиз”, — дейман.

У ўгирилиб қараб, бир қулимсиради-ю: “У ерда қиладиган ишим қолмади, керак бўлсам ўзинглар йўқлаб турарсизлар мени”, — деди-да йўлида давом этди.

“Домла! Домла!” — ўз овозимдан ўзим чўчиб уйғондим. Кўрган тушимнинг таъбирини излайман. Ахир шунча айриликдан сўнг лоқал тушимда бўлса ҳам устозим билан учрашдим. Учрашдим-у, тушимни хотирлаб ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Домла ҳаётлигида Сайдиқумдан 2 та автобусга ўтириб, биздан олдин редакцияга етиб келарди. Мен эса бир шогирди бўлиб хонадонига бориб фотиҳа ўқиб келмаганимдан уяламан.

Домла хотирасига дуо ўқиб, унга Яратгандан икки дунё саодатини беришлигини тилаб ўтирарканман, ҳаёлимга сўз лашкарлари тизилиб келаверди, келаверди. Ногоҳ улар шеър бўлиб қоғозга кўчди.

МУНДАРИЖА

| | | | |
|--------------------------------|----|-----------------------------|-----|
| Муаллиф ҳақида | 3 | Бахтлар водийси | 50 |
| Меҳр ва вафо куйчиси | 4 | Ёрғинам Дилдор | 50 |
| Ҳомий ҳақида сўз | 5 | Эъзоз этай | 51 |
| ИНЕЪРЛАР | | | |
| Сузоғим | 10 | Севгим | 52 |
| Муҳаббатга ошифта кунгил | 11 | Ошиқлар баҳси | 53 |
| Туркумдан | | Тарк этмасин | 54 |
| 1. Қумсаш | 12 | Фурур | 55 |
| 2. Соябон | 13 | Асиранга айлангум | 57 |
| 3. Отамга мактуб | 14 | Фасли навбаҳор | 58 |
| 4. Сабоқ | 16 | Хур қиз | 60 |
| Умид | 17 | Муножот | 61 |
| Унутма | 18 | Қалбим ардоғи | 63 |
| Ёрлаҳагин | 19 | Аёлларга қасида | 64 |
| Бахт олиб баҳор келди | 20 | Уткинчи булут | 66 |
| Ҳисобли дунё | 21 | Шукроналик | 66 |
| Бахтлимиз | 22 | Синган кунгил | 67 |
| Келди наврўзи айём | 23 | Одат | 67 |
| Дўстимга | 25 | Йулчи юлдуз | 68 |
| Сирларим | 26 | Беозор оғам | 69 |
| Кел, баҳорим | 26 | Соғинч | 70 |
| Ул хур пари | 27 | Муашшах | 71 |
| Ёр-ёр | 28 | Муродбахш манзил | 71 |
| Найлайин | 29 | Синфдошларимга | 72 |
| Гўзалим | 30 | Дурдона | 73 |
| Қароғим | 31 | Қишлоққа мактуб | 74 |
| Поклик тимсоли | 32 | Ишонч | 75 |
| Армон | 33 | Малҳамим – онам | 76 |
| Кутаман | 34 | Оролим | 78 |
| Интиқлик | 35 | Лола сайли | 79 |
| Бир кўрдим | 36 | Жасорат | 80 |
| Сен ўзинг | 37 | Изларман | 81 |
| Изҳори дил | 38 | Йиғлама, синглим | 82 |
| Кунгил нозик | 38 | Ишонч | 83 |
| Келмасму | 39 | Тожмаҳал | 84 |
| Ҳофизлар сардори | 40 | Ёрга мактуб | 85 |
| Йигитларга | 42 | Шеърят | 86 |
| Вафо шеvasи | 43 | | |
| Умид | 44 | Рубоийлар | 87 |
| Севги гузал | 45 | КАТРАЛАР | |
| Кутиш | 46 | Умид япроқлари | 92 |
| Такбур навоси | 47 | Қор – поклик тимсоли | 93 |
| Сиз уша | 48 | Умр фасллари | 94 |
| Негай | 49 | Бой берилган муҳаббат | 96 |
| Шеър ёзма демагин | 49 | Ёлғончи дунё | 97 |
| | | Устоз билан сўҳбат | 100 |

Теришга берилди 16.01.04. Босишга руҳсат этилди 01.03.04.
Бичими 84x108 1/32, Ҳажми 7 босма тобоқ. Буюртма № 356. Адади 2000 нусха.

“С.Б.Клоцман номли босмаҳона” ҳиссадорлик жамиятида chop этилди.
Жалопобод шаҳри, Тўхтагул кўчаси, 22/2.

